

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

«ТАСДИКЛАЙМАН»

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Илмий техник кенгаши раиси
_____ Ш.К. Атаджанов
«____» _____ 2025 й**

**КАХХАРОВ АЛИШЕР ЖАМОЛИДДИНОВИЧ
ДЖУМАНИЯЗОВА ГУЛНОЗА МАДРАХИМОВНА**

**СУТ БЕЗИ САРАТОНИНИНГ КАМ УЧРАЙДИГАН ГИСТОТУРЛАРНИ
ДАВОЛАШДА МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ ВА
ЗАМОНАВИЙ СТРАТЕГИЯЛАР**

(Монография)

Урганч 2025

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРҒАНЧ ФИЛИАЛИ**

**КАХХАРОВ АЛИШЕР ЖАМОЛИДДИНОВИЧ
ДЖУМАНИЯЗОВА ГУЛНОЗА МАДРАХИМОВНА**

**СУТ БЕЗИ САРАТОНИНИНГ КАМ УЧРАЙДИГАН ГИСТОТУРЛАРНИ
ДАВОЛАШДА МУЛЬТИДИСЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ ВА
ЗАМОНАВИЙ СТРАТЕГИЯЛАР**

МОНОГРАФИЯ

Урганч 2025

КБК

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

Сут беи саратонининг кам учрайдиган гистотурларни даволашда
мультидисциплинар ёндашув ва замонавий стратегиялар., А.Ж. Каххаров., Г.М.
Джуманиязова. Урганч 2025 120 бет.

ТУЗУВЧИ:

А.Ж. Каххаров – РИО ва РИАТМ маммология бўлими илмий рахбари ва Тошкент Давлат
тиббиёт университети “Онкология ва радиология” кафедраси профессор, т.ф.д.

Г.М. Джуманиязова – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Акушерлик ва
гинекология, онкология” кафедраси PhD, катта ўқитувчи

ТАҚРИЗЧИЛАР:

ХОДЖИЕВ Д.Ш. – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
“Акушерлик ва гинекология, онкология” кафедраси, т.ф.д., доцент

АДИЛХОДЖАЕВ А.А. – Тошкент Давлат тиббиёт университети
“Факультет ва госпитал хирургия” кафедраси профессор, т.ф.д.

КИРИШ

Сут беи саратони (СБС) энг кўп ўрганилган онкологик касалликлардан бири бўлишига қарамасдан, унинг камдан-кам учрайдиган гистологик шакллари, «.....жумладан, медуляр, крибриформ, тубуляр ва метастатик саратон шакллари ҳали ҳам етарли даражада ўрганилмаган.....»¹. Уларнинг ноёб биологик ўзига хосликлари ва клиник хусусиятлари кўпинча кенг тарқалган шакллардан фарқ қилади, бу эса уларни чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Сут беи саратонининг кенг тарқалган турларига асосланган анъанавий даволаш усуллари ҳар доим ҳам самарали ҳисобланмайди, бу эса қайталаниш ва асоратлар хавфи ортишига олиб келади. Тадқиқотнинг долзарблиги беморларнинг ҳаёт сифати ва яшовчанлик даражасини яхшилаши мумкин бўлган саратоннинг кам учрайдиган турлари учун аниқ ташхислаш мезонлари ва персоналлашган даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқ². Олинган маълумотлар онкологияда индивидуал ёндашувни қўллаб-қувватловчи янги даволаш протоколларини яратишга ёрдам беради. Шундай қилиб, ушбу йўналишдаги ишлар сут беи саратонининг кам учрайдиган шакллари ўрганиш ва даволашга муҳим ҳисса қўшмоқда ва бевосита замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда СБС кам учрайдиган шакллари ташхислаш ва даволаш соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, улар қуйидагилардан иборат: кам учрайдиган гистологик шакллар билан боғлиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш учун беморларнинг ёшини, морфологик ва патологик хусусиятларини ўрганиш, терапевтик стратегияларга таъсирини аниқлаш мақсадида гормонал рецепторлар (ER, PR) экспрессияси ва HER2neu ҳолатини аниқлаш учун иммуногистохимёвий таҳлиллар ўтказиш, турли гистологик субтиплар мавжуд беморларни даволаш натижалари

1 Weigelt B, Geyer FC, Reis-Filho JS. Histological types of breast cancer: how special are they? Mol Oncol. 2010;4:192–208.

2 Thennavan A, Beca F, Xia Y, Recio SG, Allison K, Collins LC, Tse GM, Chen YY, Schnitt SJ, Hoadley KA, Beck A, Perou CM. Molecular analysis of TCGA breast cancer histologic types. Cell Genom. 2021 Dec 8;1(3):100067.

тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик турини ва унинг кайталаниш хавфига таъсирини баҳолаш, саратоннинг гистологик тури, гормонал рецепторлари ҳолати ва пролиферация даражасини ҳисобга олган ҳолда беморларнинг индивидуал хусусиятларига йўналтирилган сут беи саратони кам учрайдиган шакллариининг даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади ва алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, хавфли ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичини пасайтириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланган: аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, диспансер ва патронаж хизматларининг самарали моделларини ишлаб чиқиш, соғлом турмушни қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш. Бу борада «.....аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.....»³ борсида вазифалар белгиланди Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, сут беи саратони билан оғриган беморлар учун клиник ва морфологик жиҳатларни ўрганиш ва терапевтик ва профилактика чораларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

I-БОБ. СУТ БЕЗИ САРАТОНИНИНГ КАМ УЧРАЙДИГАН ГИСТОЛОГИК ШАКЛЛАРИ МАВЖУД БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ ВА ТАШХИСЛАШДАГИ ЁНДАШУВ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

§ 1.1 Сут бези саратони камёб шакллариининг эпидемиологик ҳолати

Онкологик касалликлар орасида СБС энг кенг тарқалган нозология ҳисобланади. Дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатларида сўнгги ўн йил ичида ушбу соҳа саратони билан касалланиш ҳамда ўлим кўрсаткичининг доимий ўсаётганлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги эпидемиологик вазият янги ташхис қўйилган СБС ҳолатларининг доимий ўсаётганлигини кўрсатмоқда. РИО ва РИАТМ кансер регистридан олинган маълумотларга кўра, сўнгги 10 йил ичида СБС билан касалланиш ҳар 100 минг аҳолига 7,9 дан 9,1 гача кўтарилган. Шу билан бирга, 2020 йилга келиб, тахминан 30% ҳолатда янги ташхис қўйилган СБС III босқичда қайд этилган бўлиб, ўлим кўрсаткичи эса ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 4,4 тага яқинлашган. Умуман олганда, СБСнинг доимий ўсиши билан биргаликда, СБСнинг камёб шакллариини аниқлаш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда. Бундан ташқари, ушбу турдаги хавфли ўсмалардан ўлим даражаси ҳам ўсиб бормоқда, агар 2010 йилда ўлим даражаси 100 минг аҳолига 3,5 ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 100 минг аҳолига 4,4 ни ташкил этган. Шунингдек, 2010 йилдан 2020 йилгача янги ташхис қўйилган СБС ҳолатлари сони мос равишда 2,3 минг ҳолатдан 3,0 мингга ортган. СБСнинг классик шакллари ва кўп учрайдиган шакллариининг кўпайиш тенденцияси ҳар йили ўсиб бормоқда, бу ўз навбатида фаол урбанизация, шаҳар турмуш тарзи, шаҳар атроф-муҳит экологияси, овқатланиш режими ва сифати ҳамда бошқа бир қанча омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунинг орқасида СБСнинг камёб шакллариини аниқлаш бўйича ҳам тобора кўпроқ ҳисоботлар пайдо бўлмоқда [1, 23, 100]. Адабиётларги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, СБСнинг кенг тарқалган морфологик шакллари устида кенг

миқёсда тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозирда ҳам фаол ўрганиш давом этмоқда. Бу тенденция тушунарли, чунки асосий тадқиқот иши кўп сонли кузатишларга асосланади ва олинган натижаларнинг ишончлилигини талаб этади. Бу борада, СБС камёб шаклларининг ривожланиш муаммосининг турли жиҳатларига бўлган қизиқиш сусаймайди [90]. СБС камёб шакллари аниқлаш зарурати уларнинг клиник кечиши, гистологик тузилиши, рецепторлари ҳолати, ўсиш тезлиги, ўсманинг ўзига хос "хулқ-атвори", метастатик потенциали, метастаз бериши, кимёрезистентлик ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқдир [91]. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, ушбу соҳада саратон касаллигининг учраш частотаси 4,1-25,0% орасини ташкил этади. Н.Н. Блохин номидаги РОИМ маълумотларига кўра, саратоннинг камёб шакллари СБС билан касалланган барча ҳолатларнинг 12,7 фоизини ташкил қилади [95]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда СБСнинг 20 дан ортиқ махсус турлари аниқланган бўлиб, улар ўзига хос гистологик хусусиятларга эга ҳамда СБС билан касалланган барча ҳолатларнинг 20,0 фоизини ташкил қилади [89]. СБСнинг кам учрайдиган морфологик вариантларини ЖССТ гистологик таснифига мос равишда (1984) қуйидагиларга ажратиш мумкин: шиллиқ саратони, касалланиш кўрсаткичи 0,7-7,2%; медуляр - 0,4-1,6%; Папиляр - 0,3-3,0%; аденокистоз - 1,0% дан кам; тубуляр - 0,4-2,1% ҳамда метаплазияга учраган саратон - барча СБС ичида 0,0007-4,0% [8]. Шу билан бирга, СБС камёб шаклларининг замонавийроқ гистологик таснифига кўра СБС тубуляр, медуляр, Папиляр, кистоз, метапластик, шиллиқ ва крибриформ каби саратон турларига ажратилади [13].

Бундан ташқари, Ф. Парежа ва бошқалар. (2021) фикрига кўра, СБСнинг камёб турлари ўзига хос гистологик шакллар билан ифодаланади ва шунинг учун СБСнинг кенг тарқалган шаклларида патогномоник генетик ўзгаришлар ёки генетик ўзгаришларнинг ўзига хос тўплamlари билан ажралиб туриши керак. Шу билан бирга, муаллифларнинг таъкидлашича,

СБС камёб шакллари ушбу интерпретация бўйича учраш частотаси 4,0 дан 25,0% гача фаркланади [70.25].

СБС камёб шакллари замонавий молекуляр таснифлаш нуктаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, у сўнгги ўн йил ичида амалга оширилган мақсадли секвенирланиш, бутун экзоманинг секвенирланиши ва РНК секвенирланиши таҳлилига асосланади. Молекуляр-генетик ва иммуногистохимёвий (ИГК) таҳлилларнинг чекланган натижаларига қарамай, бу СБС кам учрайдиган турларининг геномик асосларини ёритиб берди [64,78].

§ 1.2 Уч карра манфий сут беги саратони камёб шаклларининг турли кўринишлари

Одатда, уч карра манфий сут беги саратони (УКМСБС) эстроген рецепторлари (ER-), прогестерон рецепторлари (PR-) ва одам эпидермал ўсиш омили рецепторлари (HER2neu), [64,86] экспрессияси бўлмаган ўсма турларини қамраб олувчи атамадир. Камёб ўсма турлари, шунингдек, УКМСБСнинг кенг тарқалган шакллари гуруҳига, асосан (80,0% ҳолатда) СБСнинг сут йўли (дуктал) аденосаратони каби гистологик турлари киради, у агрессив клиник ҳуқ-атвор билан боғлиқ ва/ёки (BRCA-1) оксилени кодловчи ген фенотиби билан ўзаро боғлиқ хусусиятлар билан характерланади, ушбу фенотип хужайравий дифференциациянинг пастлиги, марказий некрозланиш билан намоён бўлувчи сезиларли ядро полиморфизмини ўз ичига олади. Бундан ташқари, УКМСБС камёб шаклларининг агрессивлиги юқори даражадаги митотик фаоллик ва массив лимфоцитлар инфильтрациясининг юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, бу прогностик жиҳатдан салбий предиктор ҳисобланади.[64]. Генетик нуктаи назардан, УКМСБС ўзи юқори мутацион юкламага эга бўлишига қарамасдан, унинг кенг тарқалган шаклларида тез-тез такрорланадиган генетик ўзгаришлар, яъни мутациялар сони чеклангандир. УКМСБСнинг камёб шакллари мавжуд ҳолатларда, худди шундай мутациялар пайдо бўлишини

ҳисобга олиш керак, масалан, соматик генетик ўзгаришларни юзага келтирувчи p53 (TP53) оксилини кодловчи ген 10,0% ҳолатларда учрайди ҳамда “p110a фосфатидил-3-киназа” (PIK3CA) суббирлигини кодловчи генга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади [17, 16]. Ушбу турдаги мутация PI3K-AKT-mTOR йўлининг дисфункциясига олиб келади, натижада оксил фаоллиги ортади ва ўсма ўсиш тезлиги кучаяди [6, 8]. УКМСБС таҳлилларида билдирилган бошқа кучли клиник аҳамиятга эга мутациялар эмбрионал ва соматик BRCA-1 мутациялари билан боғлиқ бўлиб, улар 16,0% ҳолларда кузатилади [32,64,97]. УКМСБСда ўсма ўсишини супрессияловчи (PTEN), ретинобластома оксили (RB1) ва эпидермал ўсиш омили рецепторлар оксиллари (EGFR ва FGFR-2) учун жавобгар генлар мутациялари 5,0% ҳолларда учрайди [27, 85]. УКМСБСнинг генетик ва ИГК тадқиқот натижаларидан олинган камдан-кам учрайдиган клиник жиҳатдан агрессив фенотиплар камида тўртта молекуляр субтипларнинг замонавий таснифини ишлаб чиқишга сабаб бўлди, хусусан: базалсимон иммуноактивлаштирилган, базалсимон иммунитет танқис, мезенхимасимон ва луминал-андроген турлар [67, 9].

Ғ. Pareja ва бошқаларнинг асарларида (2016) УКМСБСнинг кам ўрганилган ва клиник жиҳатдан камроқ агрессив шакллари мавжудлиги аниқланди. УКМСБС агрессив кечиши ҳақидаги умумий қабул қилинган назарияга қарамай, бир вақтнинг ўзида ER, HER2neu ва PRга манфий бўлган, камроқ хавфли кўринишдаги ўсманинг молекуляр субтипи мавжуддир. Бундай ўсмалар бир нечта умумий хусусиятларга эга бўлиб, улар типик геномик ностабилликнинг йўқлиги ва юқори гистологик ҳужайравий дифференциалланишни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда ушбу гуруҳ секретор аденосаратон, аденоид-кистоз саратон, мукоэпидермоид саратон, плеоморф аденома, полиморф аденосаратон ва аденомиоэпителиома каби ўсмалардан иборат [64].

УКМСБС ўсма турларидан бири бўлган секретор саратон биринчи марта болаларда қайд этилган ҳамда "ювенил саратон" деб номланган, аммо

кейинги тадқиқотлар УКМСБСнинг ушбу тури ҳар қандай ёшда пайдо бўлиши мумкинлигини кўрсатди. D.P.Horowitz ва бошқалар (2012) ўз тадқиқотида секретор саратоннинг клиник кечиши ҳатто зарарланган лимфа тугунлари ёки метастазлар мавжуд бўлганда ҳам одатда яхши эканлигини аниқлади. Секретор саратонлар ўзига хос фенотипга эга бўлиб, улар найсимон, каттиқ консистенцияли ва/ёки микрокистоз архитектура ҳамда кўп миқдорда ҳужайра ичидаги ва ҳужайрадан ташқари коллоидсимон секрециялари билан характерланади [39,64]. Шу билан бирга, C.Tognon ва бошқалар. (2002) транскрипсия омили-нейротрофик рецептор тирозин киназа-3 (ETV6-NTRK3) ген синтези феномени шаклида генетик ўзгаришларни ўз ичига олувчи ўзига хос хусусиятларини аниқлади [83,64]. Кейинчалик бу ҳодиса А. Скалова ва бошқалар томонидан қайд этилган бўлиб (2010), СБС ушбу турининг ўзига хос генетик ўзгариши сут ва сўлак безларининг секретор саратони аналогига аниқланган бирлашган ген эканлигини кўрсатди [75,64]. Тез-тез такрорланадиган ёки патогномоник бирлашган генлар ёки мутациялар натижасида келиб чиққан бошқа ўсма турларидаги кузатувларга мувофиқ, кўпчилик кам учрайдиган сут бези саратони енгил клиник кечишга эга. Шундай қилиб, G.Krings ва бошқаларнинг тадқиқотида (2017) СБСнинг камёб ва кенг тарқалган шакллари ўртасидаги патогномоник фарқлар баҳоланди. Муаллифлар, секретор саратонлар каби ўсмаларнинг оддий геномлари ва ўртача нусха сони профили ва ETV6-NTRK3 синтез генларига қўшимча равишда саратон генларида кам сонли патоген мутацияларга эга деган хулосага келишди [45,64]. Бирламчи СБС контекстида ушбу ETV6-NTRK3 химерик ген секретор саратонларга хос кўринади. NTRK3 оксили ифодаси сут безлари эпителий ҳужайраларида физиологик жиҳатдан аниқланмаслигини ҳисобга олиб, тропомиозин рецептор киназа (TRK) антитаналари ёрдамида ИГК таҳлили сут безининг секретор саратонида NTRK3 генини қайта ташкил этишни аниқлаш учун сезгир ва ўзига хос ёндашув эканлиги кўрсатилган - В.Т.Harrison ва бошқалар (2019), [41,64]. R.C.Doebele ва бошқаларга кўра

(2020), сут беzi секретор саратони аста-секин академик соҳадан амалий клиник тиббиётга ўтади, чунки ушбу онкологик ҳолатни ўрганиш чуқур клиник оқибатларга олиб келиши мумкин [25]. Шунингдек, С.Marchio ва бошқалар (2019) қайталанган ёки метастатик секретор саратон мавжуд беморлар ТРК ингибитори терапиясига ижобий жавоб беришини аниқладилар [56]. Сут беzi секретор саратонида ТРК ингибиторларининг таъсирини синчковлик билан таҳлил қилиш натижасида ушбу дорилар гуруҳи клиник фойдаланиш учун тасдиқланган ва “Озиқ-овқат ва фармацевтика идораси” (FDA) томонидан тасдиқланган [24, 22, 49,64].

Сут безининг аденоид кистоз саратони сут беzi саратонининг кам учрайдиган гистологик субтипи бўлиб, сут беzi саратонининг 0,1% дан камроғини ташкил қилади [95,64]. С.Marchio, F.Pareja ва бошқаларга кўра (2010) ўсманинг бу тури миоэпителиал ва эпителий компонентларини ўз ичига олган икки хужайрали популяция билан тавсифланади. Кўпинча ёмон клиник кўринишга эга бўлган сўлак безларида пайдо бўладиган хавфли ўсмаларнинг аденоид кистоз шаклларида фарқли ўлароқ, сут беzi саратонининг бу тури одатда сушт клиник кечишни намоён қилади [53,64]. Бироқ, A.Righi ва бошқалар (2011), E.Slodkowska ва бошқалар (2020) томонидан олиб борилган тадқиқотларда, сут беzi саратонининг аденоид кистоз саратони билан оғриган беморларни кузатишда узоқлашган метастазлар, асосан ўпкада қайд этилган [81, 71]. Сўлак безлари ва ўпканинг аденоид кистоз саратони сингари, аденоид кистоз сут саратони кўпинча MYB гени ва транскрипсия омили гени (NFIB) синтезига олиб келадиган онкоген транскрипсия омили оқсилларини (MYB) ўз ичига олган геномик ўзгаришларга асосланади – MYB-NFIB СБСда 22,6% ҳолатларда учрайди [62, 66, 3, 55, 21,64].

Қизиғи шундаки, J.Kim ва бошқаларнинг тадқиқотида (2018) MYB-NFIB қўшилган генига эга бўлмаган аденоид кистоз сут беzi саратони MYBL1 қайта тузилишини, шу жумладан MYBL1-ACTN1 ва MYBL1-NFIB бирлшган генларини ёки MYB амплификациясини ўз ичига олганлиги

кўрсатилган. Муаллифлар илгари таклиф қилинган аденоид-кистоз сут бези саратони MYB фаоллашуви ва аниқ молекуляр механизмлар орқали сигнализация томонидан бошқариладиган конвергент фенотип эканлиги ҳақидаги назарияни тасдиқладилар [46,64]. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу ўсмаларнинг баъзилари учун қўзғатувчи генетик ўзгаришлар ҳали аниқланмаган. S.J.Shin ва бошқаларнинг ишларида (2002) биринчи бўлиб базалоид морфологияга эга бўлган ва асосан эпителий хужайраларидан иборат [74] аденоид кистоз сут бези саратонининг қаттиқ конситенцияли вариантыни тасвирлаб берди. Анъанавий аденоид кистоз сут бези саратонидан фарқли ўлароқ, қаттиқ конситенцияли аденоид кистоз сут бези саратони 20,0% дан кам ҳолларда MYB ўзгаришларини ўз ичига олади, NOTCH1 сигнализация йўли билан боғлиқ бўлган генларга таъсир қилувчи ўзгаришларни намоёниш этади ва кўпроқ агрессив клиник хатти-ҳаракатларни намоён қилади - J.Masse ва бошқалар (2020), [57,64]. Сут бези саратони ушбу шаклининг клиник кечишини яхшироқ тушуниш учун қаттиқ-базалоид аденоид-кистоз сут бези саратони бир бутун эканлигини ва классик аденоид-кистоз сут бези саратони каби MYB йўлининг турли молекуляр механизмлар орқали фаоллашиши билан тартибга солинишини ёки ушбу ўсмалар агрессив клиник кечишининг қаттиқ-базалоид шаклини намоён қилувчи турли хил объектлар тўпламини ифодалашини аниқлаш учун қўшимча генетик текширувлар талаб этилади. N.Fusco ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотда (2016), аденоид-кистоз сут бези саратони геномик ўзгаришларнинг оддий шакли ва TP53 мутацияларисиз УКМСБСнинг оғир шаклига ўтиш ҳолатлари тасвирланган. Юқори даражадаги ёмон сифатли УКМСБСнинг кенг тарқалган шаклларида фарқли ўлароқ, аденоид-кистоз сут бези саратони MYB-NF1B бирлашган генини ўз ичига олади, шунингдек, NOTCH1 йўли, тирозин киназа рецепторлари ва хроматин ремоделлари билан боғлиқ генларга таъсир қилувчи мутацияларни ўз ичига олган қўшимча генетик ўзгаришларни кўрсатади. Бу ўсма жараёнининг УКМСБС [28,64] каби клиник жиҳатдан ёмон сифатли шаклларга ўтишига олиб келади.

Мукоэпидермоид саратон, сўлак безининг кенг тарқалган ўсмаси, сут беида камдан-кам ҳолларда пайдо бўлиши мумкин ва камдан-кам учрайдиганлиги сабабли, беморларнинг 7,0-10,0 фоизда ташхис қўйилмайди [4,64]. M.P.Foschini ва бошқаларга кўра (2017), сут безининг мукоэпидермоид саратони каби ўсма турини клиник мутахассислар ясси хужайрали дифференциацияга эга метапластик саратон билан адаштириб юборишади [30,64]. M.Basbug ва бошқалар (2011) сут беи саратонининг ушбу турини ўрганиб чиқди ва сўлак ва сут безларининг мукоэпидермал саратони аниқ жойлашувини ёки анатомик ўзига хослигини кўрсатадиган гистологик фарқларга эга эмас, шунингдек, шиллиқ, ясси ва оралиқ хужайраларни ўз ичига олган турли хил хужайраларни ўз ичига олади, деган хулосага келишди. [4,64]. Бироқ, A.Salem ва бошқалар томонидан ўтказилган молекуляр генетик ва ИГК қиёсий таҳлилда (2017), сўлак беи ёки ўпканинг мукоэпидермоид саратони CRTC1-MAML2 қўшилган генининг шаклланишига олиб келадиган t(11;19) (q14-21; p12-13) транслокациясига асосланганлигини аниқлаш мумкин эди. [77,64]. Олинган маълумотлар илгариги фаразларни тасдиқлади ва умуман олганда, мукоэпидермал саратон NOTCH сигналининг фаоллашиши билан тавсифланди [38,43,64]. Бироқ, бу турдаги ўсманинг кучли агрессив кечишига қарамасдан, G.R.Bean ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотда (2019) сут безининг мукоэпидермоид саратонига характерли CRTC1-MAML2 қўшилган генини ўз ичига олишини аниқлади [11,64]. УКМСБСнинг кенг тарқалган шаклларида фарқли ўлароқ, тез-тез ўзгарган саратон генларида мутациялар бўлмаган ва оддий ген нусхалари сони профилига эга паст мутацион юкломани намоён қилади [67,64].

Сут беи саратонининг яна бир кам учрайдиган тури - сўлак безларининг кенг тарқалган ўсмалари ҳисобланган плеоморф сут беи аденомаларидир. C.C.Griffith ва бошқалар (2017), плеоморф аденомалар бошқа анатомик жойларда, масалан, сут безларида ҳам пайдо бўлиши мумкинлигини аниқладилар ва улар асосан миксохондронид строманинг

эпителиал ва миоэпителиал компонентлари мажмуаси билан намоён бўлади [36,64]. Сўлак безлари ёки юмшоқ тўқималардан пайдо бўлган плеоморфик аденомалар юқори ҳаракатчанлик гуруҳи AT-Hook oqsil 2 (HMGA2) генини кодловчи ёки иккита тахминий ядровий жойлашув сигналлари мавжуд (PLAG1) цинк бармоқ оксилини кодловчи генни кодловчи транскрипсия омилини такрорий қайта қурилиши билан характерланади [5,64,76]. F.Pareja ва бошқаларга кўра (2020), плеоморф сут бези аденомалари кам учрайди ва улар бошқа турдаги плеоморф аденомалардан плеоморф сут бези аденомаси учун хос бўлган қўшилган генлар туфайли юзага келади. Тадқиқот муаллифлари WNT (WIF1) оксилини кодловчи генлар билан HMGA2 бирлашган генининг фенотипик таркиби кўринишида ушбу турдаги сут бези саратонининг химерик кўриниши билан характерланувчи сут бези плеоморфик аденомасининг бир нечта алоҳида ҳолатларини ёки сут бези плеоморфик аденомасининг бир нечта алоҳида ҳолатларини ва PLAG1 қайта гуруҳланишидан ташкил топган яна бошқа ҳолатни аниқладилар [67].

Илгари ёмон сифатлилик даражаси паст полиморфик аденосаратон сифатида танилган полиморф аденосаратон сўлак безларининг кенг тарқалган ёмон сифатли ўсмалари ичида иккинчи ўринни эгаллайди ва ўпкаларда ҳам учрайди. Бироқ, ЖССТ маълумотларига кўра, сут безининг полиморф аденосаратони жуда кам учрайдиган ёмон сифатли неоплазма ҳисобланади. Ҳозиргача сут безининг полиморф аденосаратонининг мавжудлиги нуфузли морфологлар ва онкологлар ўртасида илмий мунозаралар мавзусидир [48,64,95]. Мутахассислар томонидан дастлаб полиморф аденосаратонлар яққол цитологик гомогенликка рангпар ядроли ўсма ҳужайраларига ва сезилмас даражадан ўртача даражагача бўлган цитоплазмага шунингдек турли хил структур кўринишларга эга инфилтратив ўсмалар сифатида тавсифланган. Кўпгина полиморф аденосаратонлар яширин клиник кечишга эга бўлса-да, уларнинг баъзилари юқори даражадаги ўсмаларга ўтиши мумкин ва шунга мос равишда кам ҳужайрали дифференциацияга эга.[64] Бундай ҳолларда сут безининг полиморф

аденосаратонининг клиник кечиши узоқ метастазлар ривожланишигача бўлган юқори агрессивликка эга. I.Weinreb ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотда (2014) полиморф сут бези аденосаратонлари онкоген жараёни фаоллаштириши кўрсатилган D1 (PRKD1 E710D) протеин киназини кодловчи гендаги патогномоник қайноқ нуқталар мутациясидан келиб чиққанлиги аниқланди [94]. Шунингдек, A.P.M.Sebastiao ва бошқ. (2020) томонидан полиморф аденосаратонларнинг фенотипларини солиштириш учун таҳлил ўтказилди ва бу онкоген қайноқ нуқтага эга бўлмаган полиморф аденосаратонлар PRKD оиласининг генларини, шу жумладан PRKD1, PRKD2 ёки PRKD3 [64,80] иштирокида қайта ташкил этилишини кўрсатди. Асл патогномоник генетик ўзгаришларни сақлаб, сут бези саратонининг янада агрессив шаклларига, хусусан, юқори даражадаги УКМСБСга ўтиш қобилиятига эга бўлган аденоид кистоз сут бези саратонига ўхшаш - В.Ху ва бошқалар (2020), [96]. Бундан ташқари, A.P.M.Sebastiao ва бошқалар (2019), юқори даражадаги сут бези саратонининг агрессив шаклларига ўтадиган полиморф сут бези аденосаратонлари PRKD генига таъсир қилувчи PRKD1 қайноқ мутациясини ёки қайта тузилишини сақлаб қолишини, шунингдек, NOTCH йўли, хроматин ремоделлари, тирозин рецептор киназалари ва PI3K йўли билан боғлиқ генларга таъсир қилувчи қўшимча геномик ўзгаришлар ва/ёки мутацияларни ўз ичига олишини аниқлади. [64,79].

Ҳозирги вақтда сут бези саратонининг ноёб шакллари, шу жумладан молекуляр генетик асосга эга бўлган УКМСБСнинг ноёб шакллариининг патогенетик механизмлари ва роли ҳақида тушунча мавжуд. Шу билан бирга, ушбу тоифадаги беморларга комплекс онкологик ёрдам кўрсатиш масаласи сут бези саратонининг кенг тарқалган шакллариини даволаш, кимё-нур терапия ва жарроҳлик ёрдамиини қўллаш тажрибасига асосланади. Бу нуқта сут бези саратони билан оғриган беморларга онкологик ёрдам кўрсатишнинг замонавий тушунчалари ва турлари билан даражаланади, аммо

эпидемиологик вазият ва сут беи саратони популяциясининг сезиларли ўсиши билан боғлиқ ҳолда диққат билан ўрганишни талаб қилади.

§ 1.3 Аденомиоэпителиомали сут беи саратони

Сут беи саратонининг аденомиоэпителиома шакллари иккала эпителиал ва миоэпителиал дифференциалланишга эга кам учрайдиган икки фазаи ўсма кўринишида намоён бўлиб, бунда ER-мусбат ёки ER-манфий бўлиши мумкин. Аденомиоэпителиомали СБС ёмон сифатли бўлишига карамай, у одатда хавфсиз янги ҳосиладан кейин пайдо бўлади [64,95]. Бундан ташқари, С.М.Nadelman ва бошқалар (2006) томонидан аденомиоэпителиомали СБС мавжуд беморларда кимё-нур терапия курсидан сўнг дистал метастазлар шаклланиши билан ўсма жараёнининг қайталаниши кузатилган бир қатор ҳолатлар тасвирланган [58]. Аденомиоэпителиомали СБСда генетик ўзгаришлар репертуари ва хилма-хиллиги уларнинг ER рецепторлари ҳолатига қараб ўзгаради. F.C.Geyer ва бошқалар (2019) тадқиқоти шуни кўрсатадики, ER-мусбат аденомиоэпителиомали СБС PIK3CA ва AKT1 нинг такрорланувчи ва ўзаро эксклюзив мутацияларини ўз ичига олади, ER-манфий аденомиоэпителиомали СБС эса HRAS Q61R/K қайталанувчи қайноқ мутацияларни ўз ичига олади. Муаллифлар HRAS Q61R/K мутациялари билан PIK3CA ва PIK3R1 каби PI3K-AKT генларига таъсир қилувчи мутациялар кўпинча бирга учрайди деган хулосага келишди [37,64]. Аденомиоэпителиомали СБС таҳлил қилинган шаклларининг ҳеч бирида ҳозиргача соматик TP53 мутациялари учрамаган. Ушбу фенотипни кенг кўламли ўрганишга олиб келган нарс ва бунинг натижасида F.Pareja ва бошқалар (2020) RAS Q61Rнинг ИГК таҳлили аденомиоэпителиомали СБС билан оғриган беморларда HRAS Q61R мутацияларини аниқлаш учун жуда ўзига хос ва ўртача сезгир эканлигини аниқладилар [64,69].

Функционал геномик таҳлил шуни кўрсатдики, HRAS-Q61 ва PIK3CA қайноқ мутацияларининг комбинацияси нафақат СБСнинг ER-салбий аденомиоэпителиома турларининг ҳаракатлантирувчи кучи, балки ушбу

ўсмаларнинг кардинал фенотипик хусусиятларини эгаллашга олиб келиши мумкин. F.C.Geyer ва бошқалар (2019) томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари ва хулосалари PIK3CA, H1047Rнинг соматик нокаути билан MCF12A хужайраларида ва MCF10A хужайраларида HRAS-Q61Rнинг мажбурий экспрессияси ҳодисаларини тушунтиради. Ушбу генетик ўзгаришлар нафақат онкоген фенотипга, балки миоэпителиал хужайралар дифференциациясига ҳам олиб келади [37,64].

Шуни таъкидлаш керакки, сут беши саратонининг бошқа камёб шаклларида бўлгани каби, ER-манфий аденомиоэпителиомали СБС ҳам гистологик ва генетик жиҳатдан сўлак безининг эпителиал-миоэпителиал ўсмаларини такрорлайди, уларда HRAS Q61 ва PIK3CAнинг такрорий ва параллель мутациялари мавжуд. [64] Бироқ, В.К. McLaren ва бошқалар (2005) СБС нинг аденомиоэпителиома турларининг фенотипик кичик гуруҳини топиш ва аниқлик киритишга муваффақ бўлди. Сут безининг ёмон сифатли неоплазмасининг бу тури, муаллифларнинг фикрига кўра, фенотипик кичик гуруҳга эга бўлиб, генетик ўзгаришларнинг ўхшашлиги ва бир хиллилиги билан миксохондронд матрицанинг мавжудлиги тавсифланган плеоморф аденомалар билан фенотипик ўхшашликни намойиш этади [52,64]. F.Pareja ва бошқаларнинг тадқиқотида қизиқарли факт аниқланди (2019), бунда HRAS, PIK3CA ёки AKT1 мутациялари бўлмаган ER-мусбат аденомиоэпителиомали сут беши саратонида аниқланган плеоморф сўлакк безлари аденомаларида илгари тасвирланган HMGA2-WIF1 қўшилган ген ҳолатини намойиш этади [64,65].

F.C.Geyer ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқот (2018) аденомиоэпителиома сут беши саратонининг юқори даражадаги УКМСБСнинг агрессив шаклларига ўтиши ҳақида хабар берди. Шу нуқтаи назардан, муаллифлар аденомиоэпителиомали СБС билан синхрон ривожланадиган УКМСБС аденомиоэпителиомали СБС билан клонал боғлиқ бўлиши мумкинлигини ва УКМСБСнинг кенг тарқалган шаклларида фарқли ўлароқ, TP53 мутацияларига эга эмаслигини ва қўшимча PI3K йўли ген

мутациялари ва TERT промотор мутацияларини ўз ичига олиши мумкинлигини кўрсатди [37,64].

§ 1.4 Сут безининг ациноз хужайрали саратони ва микрогландуляр аденози

Ациноз-хужайрали сут бези саратони сут бези саратонининг жуда кам учрайдиган кичик тури бўлиб, одатда яхши сифатли клиник кечишга эга, аммо алоҳида ҳолларда у дистал метастазланиш билан юқори даражадаги УКМСБСга ўтиши мумкин [64,72,34]. ЖССТ маълумотларига кўра, ациноз-хужайрали сут бези саратони диффуз сероз дифференциацияга эга бўлган хужайралар мавжудлиги билан тавсифланади ва сўлак бези саратони билан бир хил номга эга, улар гистологик ва молекуляр жиҳатдан сўлак безларидаги аналогларидан фарқ қилади. Дарҳақиқат, ациноз-хужайрали сут бези саратони цитологик жиҳатдан юмшоқ хужайралардан иборат бўлиб, кўп миқдорда эозинофилли цитоплазмаси бўлган қўпол ёки майда гомогенга ўхшаш цитоплазматик гранулалар бўлиб, улар инфильтрацион микрогландуляр ва уясимон ўсиш ҳолатлари аралашмаси кўринишида жойлашган [64,95]. S.R.Lakhani ва бошқалар (2012) микрогландуляр аденозни кўпроқ эслатувчи ациноз-хужайрали сут бези саратонининг гистологик хусусиятларини тасдиқлади. Ўз навбатида, микрогландуляр аденоз десмопластик реакциядан маҳрум бўлган ёг ва коллаген тўқималарига инфильтрация қилувчи майда безларнинг тизимсиз кўпайишидан иборат хужайра тузилмаларининг неопластик шикастланиши билан тавсифланад [48,64]. Шунга қарамай, баъзи муаллифлар сут безининг микрогландуляр аденози яхши гиперпластик зарарланиш деган фикрда. Ўтган асрнинг 80 йилларидан бошлаб F.A.Tavassoli ва б. (1983), микрогландуляр аденоз клонал ва неопластик бўлиб, унинг спектрига хужайра атипиясиз соф микрогландуляр аденоз, атипик микрогландуляр аденоз ва инвазив саратон билан боғлиқ бўлган микрогландуляр аденозлар киради, бу кўпинча ациноз хужайрали сут бези саратони шаклини олади деб ҳисоблашган [64,82].

Ҳозирги вақтда микрогландуляр аденоз, атипик микрогландуляр аденоз, ациноз хужайрали сут беи саратони ва микрогландуляр аденознинг бошқа шакллари ёки УКМСБСнинг юқори даражадаги ациноцитлар билан боғлиқ шакллари шунга ўхшаш иммунофенотипни, шу жумладан C100 калцийни боғлайдиган оксилларни ифодалайди. [64,93,31,33,35]. F.Haller ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотда (2019) ушбу турдаги сут беи саратони фенотипларини тўлиқ геномик таҳлил қилиш натижасида ациноз хужайрали сут беи саратони уларнинг сўлак безлари аналоглари билан эмас, балки микрогландуляр аденоз ёки атипик микрогландуляр аденоз билан боғлиқ деган фикрни тасдиқлади [40,64] Шунингдек, S.Piscuoglio ва бошқалар (2015) ва F.Веса ва бошқалар (2019), сўлак безларида пайдо бўлган ациноз хужайрали саратон ўзининг молекуляр тузилишида t(4;9)(q13;q31), ген кластерининг транслокациясини ўз ичига олишини аниқлади, бу NR4A3 ядровий транскрипция омили ва ядро рецепторлари иштирокидаги ўзгаришларга олиб келади. TP53 мутацияларининг йўқлиги, ациноз хужайрали сут беи саратони эса патогномоник соматик мутацияларга ёки ген синтезига ва TP53 мутациясига эга эмас [63,64,12]. Ва C.B.Ripamonti ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотда (2013) олинган маълумотларга кўра ациноз хужайрали сут беи саратони ва микрогландуляр аденоз мураккаб ген нусхалари сонининг ўзгариши, юқори такрорланадиган TP53 мутациялари ва тасодифий PIK3CA қайноқ нуқта мутацияларининг жуда ўхшаш кўринишини кўрсатишини аниқлади, бу УКМСБС кенг тарқалган шакллари умумий соматик генетик ўзгаришларнинг генетик репертуарига ўхшайди [64,73]. Ушбу кузатишларга мувофиқ, BRCA1 билан боғлиқ УКМСБСдаги геномик мутацияларга ўхшаш гомолог рекомбинацияли ДНК репарация нуқсонларининг геномик хусусиятларини кўрсатиш учун сут беи саратони турларининг бир қисми аниқланди. Бундан ташқари, ациноз хужайрали сут беи саратони кичик гуруҳида BRCA1 генининг эмбрионал мутациялар ташувчиларида таххис қўйиш, шунингдек унинг функциясини йўқотиш билан аниқланган яна бир ҳолат аниқланди [34,64,73]. Бундан

ташқари, MLH1нинг патоген эмбрионал вариантыни ташувчи беморда ациноз хужайрали сут бези саратони билан боғлиқ нисбатан яқинда қайд этилган маълумотлар ушбу ген функциясидаги анормалликларни аниқлади. Шундай қилиб, F.Веса ва бошқалар (2019) ациноз хужайрали сут бези саратони MLH1 экспрессияси йўқлиги ва микросателлит ностабиллигини кўрсатиши мумкинлигини аниқлади, бу ўсмалар микросателлит генининг ностабиллиги фонида ҳам пайдо бўлиши мумкинлигини кўрсатади [12,64].

Ациноз хужайрали СБС ва микрогландуляр аденоз, шунингдек, атипик микрогландуляр аденоз юқори даражада УКМСБСга айланиш мойиллигига эга. Ҳозирги вақтда ациноз хужайрали СБС, микрогландуляр аденоз ва атипик микрогландуляр аденоз УКМСБСнинг кенг тарқалган шакллари ривожланиши мумкин бўлган субстрат бўлиши мумкинлиги ҳақида баъзи далиллар мавжуд. E.Guerini-Rоссо ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотда (2015), юқори даражадаги УКМСБСнинг синхрон мавжудлигида микрогландуляр аденоз, атипик микрогландуляр аденоз ва/ёки ациноз хужайрали СБС билан клонал боғланишнинг далиллари мавжудлиги кўрсатилди [34]. Қизиғи шундаки, метапластик УКМСБС ациноз хужайрали СБС, микрогландуляр аденоз ва атипик микрогландуляр аденоз билан биргаликда қайд этилган [34, 33]. Ушбу ҳолатларнинг юқори даражали УКМСБСга ўтишига олиб келадиган генетик ўзгаришлар, афсуски, ҳали аниқланмаган ва текширилмоқда.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, микрогландуляр аденоз, шунингдек, атипик микрогландуляр аденоз ёмон сифатли ўсмаларнинг гетероген кичик гуруҳини ифодалайди. Бугунги кунга қадар ўрганилган ушбу саратонларнинг геномик хусусиятлари, биринчи навбатда, микрогландуляр аденозда ёки инвазив сут бези саратони билан боғлиқ бўлган атипик микрогландуляр аденозда тасвирланган. Аслида, кўпчилик соф микрогландуляр аденозлар (яъни, инвазив саратон йўқ) TP53 мутациялари ва геномнинг ҳудудларига таъсир қилувчи таркибий нусхалар сонининг ўзгаришига асосланган саратон билан боғлиқ микрогландуляр аденоз ёки атипик сут бези микрогландуляр

аденозидан фарқ қилади. Одатда, бу генетик ўзгаришлар фақат УКМСБС каби агрессив ҳолатларда содир бўлади.

Шундай қилиб, сут безининг микрогландуляр аденози ривожланишининг энг дастлабки омиллари ҳали аниқланмаганлигини ва TP53 мутацияларини ушбу анатомик жойлашувга эга бўлган ҳолларда нисбатан кечроқ содир бўлиши мумкинлигини хулоса қилиш мумкин. Бошқа томондан, саратон билан боғлиқ бўлган соф микрогландуляр аденоз ёки атипик микрогландуляр аденоз тубдан бошқа генетик йўллар орқали ривожланиши мумкин, дея тахмин қилиш мумкин, бу эса келгусида аниқланиши керак.

§ 1.5 Сут безининг тескари қутбли узун хужайрали саратони

Тескари қутбли узун хужайрали саратон, шунингдек, тескари қутбли каттиқ консистенцияли Папиляр саратон ёки Папиляр қалқонсимон без саратоннинг узун хужайрали вариантыга ўхшаш сут бези ўсмаси сифатида ҳам танилган, камёб гистологик профилга эга бўлган сут бези саратонининг камёб гистологик кичик туридир [14,26,54,64]. Шундай қилиб, R.Colella ва бошқаларнинг тадқиқоти натижасида (2015), сут бези метастазнинг кам учрайдиган жойи эмаслигини ва қалқонсимон бездан келиб чиққан барча бундай ҳолатларнинг тахминан 5,0 фоизини ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда, тескари қутбли узун хужайрали сут бези саратони узун хужайра вариантли Папиляр қалқонсимон без саратонга ўхшаш фенотипга эга эканлиги аниқланди. Муаллифлар Папиляр саратонни ўз ичига олган қалқонсимон без тўқималарига гистологик ва молекуляр ўхшашликларни батафсил тасвирлаб бердилар [18,64]. Ва улар каттиқ консистенцияли, Папиляр ва фолликуляр архитектурага эга бўлганлиги сабабли, уларнинг хужайра таркиби асосан апикал жойлашган ядролари (яъни тескари қутбланиш), чуқурчалар ва оптик ёруғликни кўрсатадиган узун хужайралардан иборат [29,64]. Ҳозирги вақтда сут бези саратонининг ушбу турида дегидрогеназа ферменти оксилининг қайноқ нуқта генида (IDH2

R172) такрорланувчи мутациялар мавжудлиги ҳақида далиллар мавжуд, бу кўпинча PI3K йўли генларида генетик ўзгаришлар билан бир вақтда содир бўлади. S.Chiang ва бошқалар (2016) тескари кутбли узун хужайрали сут бези саратонида фенотипик поларизацияни таҳлил қилди ва PIK3CA H1047R нокаутли MCF10A хужайра моделларида IDH2 R172Sнинг мажбурий ифодаланиши *in vitro* тескари кутбланиш фенотипининг репликациясига олиб келишини аниқлади [19,64].

Ўз навбатида, бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган IDH2 ва PIK3CA қайноқ мутациялари сут безининг тескари кутбли узун хужайрали ҳавфли ўсмаларининг драйвери бўлиб, бу ўсма турини белгилайдиган тескари кутбланишга олиб келади [50, 98, 10]. Шуниси эътиборга лойиқки, IDH2 R172 мутациялари IDH2 R172S ёки IDH1/2 (R132/172) мутациясига хос бўлган антитаналар ёрдамида биопсия ва эксизион намуналарида сезгир ва ўзига хос тарзда аниқланиши мумкин [68, 2]. Ушбу турдаги камёб сут бези саратони билан оғриган беморларни даволаш масаласи ҳам илмий тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда ва кўшимча изланишни талаб қилади.

§ 1.6 Сут бези саратонининг кам учрайдиган шакллари парадигмасида спонтан регрессия ҳодисалари

Сут бези саратонининг спонтан регрессияси жуда кам учрайдиган, аммо клиник амалиётда хужжатлаштирилган ҳодисадир. Бу ҳолат бемор тузалиб кетгунга қадар регрессияга олиб келадиган ҳеч қандай даволаш ўтказилмаганда ўсманинг қисман ёки тўлиқ йўқолиши [15] дея таърифланади. Сут бези саратонининг спонтан регрессияси билан боғлиқ бўлган турли механизмлар, жумладан, иммунитет иштироки, ўсиш омиллари ва/ёки цитокинлар томонидан ўсмани ингибирланиши, генетик дифференциацияни қўзғатиш, гормонал иштироки ва ўсма некрози кабиларни ўз ичига олади [20]. J.R.Brahmer ва бошқалар (2012) ва S.L.Topalian ва бошқалар (2020) тадқиқотида, ўз-ўзидан пайдо бўлган Т-хужайра иштирокидаги иммунологик жавоблар яқинда саратонни, шу жумладан сут

бези саратонини мультидисциплинар даволашда эътиборни тортганлиги кузатилди. Бу ҳодиса долзарб ҳисобланади, чунки 30,0% дан ортиқ резистент клиник жавоблар, шу жумладан тўлиқ жавоблар фақат PD-1/PD-L1 мембранаси оксилени ингибирловчи иммунологик назорат нуқтасини блоклаш учун антитаналар киритилганда кузатилади. Шундай қилиб, ўз-ўзидан пайдо бўлган иммунологик реакциялар энг кам учрайдиган ҳолатлар бўлиб, сут бези саратони тури билан бевосита боғлиқ ва сут бези саратонини назорат қилиш ва даволашда муҳим механизм бўлиши мумкин [7, 88]. Сут бези саратонининг спонтан регрессиясининг мумкин бўлган механизмларига иммунитет тизими ёки гормонлар иштироки, ўсиш омиллари/цитокинлар томонидан ўсмани ингибирланиши, дифференциацияни индукция қилиш, канцерогенни йўқ қилиш, ўсма некрози, ангиогенезни ингибирлаш, психологик омиллар, апоптоз ва эпигенетик механизмлар киради. E.Tokunaga ва бошқалар (2014) сут бези саратонининг спонтан регрессияси ҳодисалари травма ёки параллел юқумли касаллик билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини таклиф қилди [87]. Бироқ, M.Ohara ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотда (2021), анамнезида травма ёки юқумли касаллик бўлмаган сут бези саратонининг спонтан регрессиясининг бир қатор ҳолатлари таҳлил қилинди [60]. Сут бези саратонининг спонтан регрессиясига олиб келадиган яна бир потенциал омил - бу иммуноген хужайралар ўлимидир. D.V.Krysko ва бошқалар (2012) фикрига кўра хужайра ўлимининг ўзига хос шакли хўжайин иммунитет тизимини жалб қилишни ўз ичига олиши мумкин, бу эса иммунитет хотирасига ва фойдали тизимли таъсирга олиб келади. Масалан, саратон хужайралари дендритик хужайраларни фаоллаштириш ва кейинчалик ўзига хос Т-хужайра реакцияларини фаоллаштириш орқали мустақил равишда самарали антитумор иммун жавобларини келтириб чиқариши мумкин [44]. Иммуноген хужайра ўлимининг ўзи бир неча босқичлардан иборат бўлиб, хужайра юзасига транлокацияси (дендритик хужайралар учун "мени ейиш" сигнали) ва CD8 Т хужайраларини рағбатлантириш учун зарур бўлган HMGB1 и АТР каби хавфли сигналларни

чиқаришга олиб келади. Бундан ташқари, иммуноген хужайра ўлимига антрациклинлар ва оксалиплатин каби кимётерапевтик воситалар ёки нур терапияси ва фотодинамик терапия, шунингдек, жисмоний терапиянинг айрим турлари сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида бир қатор таклифлар мавжуд - J.Zhou ва бошқалар. (2019), [99].

Бугунги кунда спонтан регрессия кузатилган сут беzi саратони билан оғриган беморларга онкологик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги илмий мутахассислар ўртасидаги асосий мулоқот ўсмани инфильтрация қилувчи лимфоцитлар субпопуляциясининг роли бўйича содир бўлади. CD3 Т хужайраларининг CD4- ва CD8-мусбат субпопуляцияси каби лимфоцитлар субтиплари, шунингдек, NK хужайралари сут беzi саратонида спонтан регрессия генезисида иштирок этади [55]. Бу ҳодисалар ўсманинг спонтан регрессияси вақтида ўсмага қарши иммунитет ҳосил қилувчи триггерлар билан бевосита боғлиқ. Бундай ҳолда, хужайра реакцияларининг ушбу каскадидан олдинги ҳодиса, Harrison ва бошқалар томонидан таклиф қилинганидек, биопсия пайтида олинган шикастланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. (2014), [41]. Сут беzi саратонидаги спонтан регрессиянинг ушбу барча ҳодисалари кўп сонли лимфоцитларнинг инфильтрациясига қарамай, PD-L1 экспрессиясини бостирадиган тизимли иммунитет реакциясини ўз ичига олади. Сут беzi саратонида спонтан регрессия жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлсада, унинг пайдо бўлиш механизмларини батафсилроқ тушуниш муҳимдир, бу саратоннинг олдини олиш ва даволаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи боб бўйича хулоса

Сут беzi саратонининг ўзига хос гистологик турларини тизимли геномик ва транскриптомик таҳлил қилиш академик машғулотдан кўпроқ нарсани англантиши кўрсатилган. ИГКдан фойдаланиш нафақат сут беzi саратонининг камёб шаклларининг таксономиясини аниқлаштиришга, балки янги патогномоник генетик ўзгаришларни (масалан, PRKD1 E710D қайноқ

нуқта мутацияларини), янги генотипик-фенотипик корреляцияларни (масалан, MYB фаоллашув йўлини) аниқлашга ва қайноқ нуқта мутацияларини контекстлашга ёрдам берди. Бундан ташқари, ўрганилган ва юқорида келтирилган илмий маърузалар шуни кўрсатадики, келажакда ИГК аниқлаш асосида сут бези саратонининг камёб субтиплари ушбу саратонни даволаш турини танлашда прогностик аҳамиятга эга бўлади. Сут бези саратонида камдан-кам ҳолларда ўзгартириладиган маълум онкогенларни (масалан, HRAS ва IDH2) нишонга олиш УКМСБСнинг гистологик турланиши ва рейтингининг муҳимлигини таъкидлади, чунки УКМСБСнинг паст даражали шакллари СБСнинг стандарт ва тез-тез учрайдиган салбий прогнозли шаклларида клиник характериға кўра фарқланади.

II БОБ. СУТ БЕЗИ САРАТОНИНИНГ КАМ УЧРАЙДИГАН ГИСТОЛОГИК ТУРЛАРИ БОР АЁЛЛАРНИНГ ТИББИЙ ВА ИЖТИМОЙ АНАМНЕЗ АСОСЛАРИ

§ 2.1 Тадқиқот дизайни

Мазкур тадқиқот Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиалида сут бези саратони ташхиси қўйилган беморлар тўғрисидаги маълумотларнинг ретроспектив таҳлили ҳисобланади. Тадқиқот 2011 йилдан 2022 йилгача даврни ўз ичига олади ва клиник тадқиқотлар учун ўрнатилган ахлоқий меъёрларга риоя қилган ҳолда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланади. Ишнинг асосий мақсади сут бези саратонининг турли клиник ва гистологик хусусиятларини ва уларнинг ёш, тана вазн индекси (ТВИ), ҳайз кўриш функцияси ва бошқа клиник, морфологик ва молекуляр-биологик омиллар билан боғлиқлигини ўрганиш эди. Беморларнинг ўртача ёши 53 ёшдан 65 ёшгача бўлган. Ушбу тадқиқотда беморлар клиник натижалар асосида икки прогностик гуруҳга бўлинди. I гуруҳ асосий гуруҳ унга СБС нинг кам учрайдиган гистологик турлари бор 75 нафар беморлар, II гуруҳ назорат гуруҳи бўлиб инвазив сут йўли саратони ташхиси қўйилган 26 нафар беморлар танлаб олинди.

Намуна хажми махсус формулалар орқали аниқланганда, беморлар сони 26 нафар ва ундан юқори бўлганда ишончлилик даражаси тўғри бўлиши аниқланди.

Диссертация ишимизда сут бези саратонининг куйидаги гистологик вариантлари: нвазив сут йули саратони 26 (25,7%), крибриформ 23 (22,8%), медулляр 9 (8,9%), метапластик 9 (8,9%), папиляр 1 (1,0%) шиллиқ саратони 23 (22,8%) ва тубуляр 10 (9,9%) танлаб олинган.

Намуна хусусиятлари

Тадқиқот учун гистологик таҳлил натижаларига кўра сут бези саратони ташхиси тасдиқланган 101 бемордан намуна олинди. Ўз ичига олиш ва истисно қилиш шартларига асосланиб, қуйидаги мезонлар белгиланди:

Ўз ичига олиш мезонлари:

сут бези саратони ташхиси гистологик текширув асосида тасдиқланган аёллар.

клиник ва анамнестик хусусиятлар тўғрисидаги маълумотлар бўлган тўлиқ тиббий ҳужжатларнинг мавжудлиги.

18 ёшдан 90 ёшгача бўлган беморлар

Истисно қилиш мезонлари:

ёндош хавфли жараёнлар ёки бошқа оғир касалликлар мавжудлиги.

тадқиқот натижаларига таъсир қилиши мумкин бўлган тўлиқ бўлмаган касаллик тарихи ёки даволаш маълумотлари.

Маълумотларни йиғиш

Маълумотлар тўплаш беморларнинг тиббий карталари асосида амалга оширилди. Анкета қуйидаги параметрларни ўз ичига олади:

Тана вазн индекси (ТВИ) қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилган:
$$ТВИ = \text{вазн (кг)} / (\text{бўйи (м}^2\text{)}).$$
 Беморлар икки тоифага бўлинган: $<30 \text{ кг/м}^2$ ва $>30 \text{ кг/м}^2$.

Менопауза ҳолати (менопауза ёки сақланган ҳайз кўриш функцияси), шунингдек, дастлабки ҳайз кўрган ёши ҳам ҳисобга олинган.

Ўсманинг жойлашишини аниқлаш учун сут безининг зоналари аниқланди (2 квадрантдан ортиқ, юқори-ташқи, юқори-ички, пастки-ташқи, марказий).

Ўсманинг чегаралари аниқ ёки ноаниқ деб баҳоланди.

Ўсманинг локализацияси икки томонлама зарарланиш, шунингдек, сут безида фақат чап ёки ўнг томонлама жойлашуви сифатида қайд этилган.

Ўсмалар кўп ўчоқли, кўп марказли ёки бир ўчоқли дея таснифланган.

Ўсма консистенцияси учта тоифада баҳоланди: юмшоқ, ўрта ёки қаттиқ.

Сут бези касалликлари анамнезида аввал қайд этилган сут бези касалликлари мавжудлиги ёки йўқлиги ҳисобга олинган.

Анамнезда сут беги операцияси: жарроҳлик аралашувининг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳисобга олинган.

Ўсманинг тери билан муносабати: ўзаро таъсирнинг мавжудлиги ёки йўқлиги баҳоланди.

Ультратовуш хусусиятлари: гомоген ва гетероген тузилишни ўз ичига олган, эхогенлик (сезиларли, юқори, паст, ўртача) ва орқа сояланиш мавжудлиги баҳоланган.

Маҳаллий лимфа тугунларининг зарарланиши: мавжуд ёки йўқлиги қайд этилган.

Гиперехоген ҳалқа: мавжудлиги билан баҳоланди.

Микрокальцификациялар: мавжуд ёки йўқлиги қайд этилган.

Ўсманинг гистологик типланиши: стандарт таснифга мувофиқ (ЖССТ 2012 йилги Сут беги саратони классификацияси) аниқланди (инвазив сут йўли саратони, крибриформ саратон, медулляр саратон ва бошқалар).

2.1.1-жадвал

Миқдорий ўзгарувчиларнинг тавсифий статистикаси

Кўрсаткичлар	$M \pm SD / Me$	95% ДИ / $Q_1 - Q_3$	n	min	max
Ёши, $M \pm SD$	$57,19 \pm 11,47$	54,92 – 59,45	101	35,00	85,00
Ҳайз даврининг бошланиши, М	13,00	13,00 – 14,00	101	12,00	15,00
Туғруқлар сони, М	0,00	0,00 – 0,00	101	0,00	5,00
Илк туғруқ ёши, М	0,00	0,00 – 0,00	101	0,00	26,00
Абортлар сони, М	1,00	0,00 – 2,00	101	0,00	8,00

2.1.2-жадвал

Категорик ўзгарувчиларнинг тавсифий статистикаси

Кўрсаткичлар	Категориялар	Абс.	%	95% ДИ
ТВИ	<30кг/м2	77	76,2	66,7 – 84,1
	>30кг/м2	24	23,8	15,9 – 33,3
Ҳайз келиш функцияси	менопауза	74	73,3	63,5 – 81,6
	сақланган ҳайз кўриш функцияси	27	26,7	18,4 – 36,5
Анамнезда сут беги касалликлари	мавжуд	27	26,7	18,4 – 36,5
	мавжуд эмас	74	73,3	63,5 – 81,6

Анамнезда сут беги операцияси	мавжуд	33	32,7	23,7 – 42,7
	мавжуд эмас	68	67,3	57,3 – 76,3

2.1.3-жадвал

Ўсманинг хусусиятлари бўйича тавсифий статистикаси

Кўрсаткичлар	Категориялар	Абс.	%	95% ДИ
Ўсманинг жойлашуви	2 та квадрантдан кўпроқ	3	3,0	0,6 – 8,4
	юқори-ташқи	14	13,9	7,8 – 22,2
	пастки-ички	35	34,7	25,5 – 44,8
	пастки-ташқи	36	35,6	26,4 – 45,8
	марказий	13	12,9	7,0 – 21,0
Ўсма чегаралари	ноаниқ	63	62,4	52,2 – 71,8
	аниқ	38	37,6	28,2 – 47,8
Ўсма локализацияси	икки томонлама зарарланиш	3	3,0	0,6 – 8,4
	чап сут беги	49	48,5	38,4 – 58,7
	ўнг сут беги	49	48,5	38,4 – 58,7
Ўсиш шакли	кўп ўчоқли	35	34,7	25,5 – 44,8
	бир ўчоқли	66	65,3	55,2 – 74,5
Ўсма консистенцияси	юмшоқ	31	30,7	21,9 – 40,7
	ўртача	69	68,3	58,3 – 77,2
	қаттиқ	1	1,0	0,0 – 5,4
Ўсманинг тери билан муносабати	мавжуд	43	42,6	32,8 – 52,8
	мавжуд эмас	58	57,4	47,2 – 67,2
Ўсма таъсирида терининг ўзгариши	ўзгарган	74	73,3	63,5 – 81,6
	ўзгармаган	27	26,7	18,4 – 36,5
Сут беги сўрғичида ажралмалар	мавжуд	59	58,4	48,2 – 68,1
	мавжуд эмас	42	41,6	31,9 – 51,8

§ 2.2. Ультратовуш текшируви усули

Сут беги саратони ташхиси кўйилган беморларда ўсманинг хусусиятларини баҳолаш учун сут беги ультратовуш текшируви (УТТ) ўтказилди. Диагностик УТТ конвекс ва чизиқли датчиклар билан жихозланган эксперт класс ультратовуш аппарати Mindray DC-40 ёрдамида 7,5-12 МГц да амалга оширилди.

Ультратовуш текширувидан олдин беморларга жараён, унинг мақсадлари ва эҳтимолий ҳиссиётлар ҳақида маълумот берилди. Тадқиқот оч қоринга ўтказилди, бу қатъий талаб эмас, лекин жараён қулай бўлиши учун тавсия этилади. Беморлар қулай ҳолатда одатда, орқаси билан ётган ҳолатда ҳамда текшириладиган сут безига мос қўли кўтарилган тарзда жойлаштирилади. Энг кўп ишлатиладиган чизиқли датчик 7,5-12 МГц бўлиб, бу кўкрак юзаки тузилмаларининг юқори аниқликдаги тасвирлари билан таъминлайди. Тадқиқот бошланишидан олдин кўкрак соҳасига ультратовуш текшируви учун махсус гель қўлланилди, бу сенсор ва тери ўртасидаги алоқани яхшилайти, шунингдек, ультратовуш тўлқинларининг юқори сифатли узатилишига ёрдам беради. Сут безининг тузилиши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш ва юзага келиши мумкин бўлган патологияларни аниқлаш учун сенсор турли проекцияларда (сагиттал ва кўндаланг) ўрганиладиган ҳудудга жойлаштирилди.

2.2.1-жадвал

Ўсманинг УТТ хусусиятлари бўйича тавсифий статистикаси

Кўрсаткичлар	Категориялар	Абс.	%	95% ДИ
Ўсманинг УТТдаги структураси	гетероген	24	23,8	15,9 – 33,3
	гомоген	77	76,2	66,7 – 84,1
Ўсма эхогенлиги	сезиларли	1	1,0	0,0 – 5,4
	юқори	7	6,9	2,8 – 13,8
	паст	50	49,5	39,4 – 59,6
	ўртача	43	42,6	32,8 – 52,8
Орқа сояланишнинг мавжудлиги	мавжуд	49	48,5	38,4 – 58,7
	мавжуд эмас	52	51,5	41,3 – 61,6
Маҳаллий лимфа тугунларининг зарарлиши	мавжуд	41	40,6	30,9 – 50,8
	мавжуд эмас	60	59,4	49,2 – 69,1
Гиперэхоген ҳалқа	мавжуд	32	31,7	22,8 – 41,7
	мавжуд эмас	69	68,3	58,3 – 77,2
Микрокалцификациялар мавжудлиги	мавжуд	16	15,8	9,3 – 24,4
	мавжуд эмас	85	84,2	75,6 – 90,7

Ультратовуш текшируви қуйидаги параметрларни аниқлашга имкон берди:

Ўсма ҳажми: горизонтал ва вертикал текисликларда максимал диаметри ўлчанди.

Шакли ва чегаралари: чегараларнинг аниқлиги ва текислиги (аник/ноаник) баҳоланди.

Тузилиши: гомоген ёки гетероген қўшимчалар ёки кисталар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланди.

Эхогенлик атрофдаги тўқималарга нисбатан аниқланди ва юқори, сезиларли, ўртача ёки паст деб қайд этилди.

Орқа сояланишнинг мавжудлиги: ўсма орқасида сояланиш аломати мавжудлиги ёки йўқлиги қайд этилиб, бу унинг хавфли эканлигини кўрсатиши мумкин.

Тери ва унинг атрофидаги тўқималарни зарарланиши: тери ва унинг остидаги тўқималарнинг зарарланиш даражаси баҳоланди, бу эҳтимолий инвазия ҳақида хабар беради.

Тадқиқот натижалари қурилма мониторида бир зумда намоён бўлди, шунингдек, кейинги таҳлил ва баҳолаш учун тасвирлар ва видеолар шаклида сақланди. Ўсма тузилмаларининг турли параметрлари махсус шаклда ҳужжатлаштирилди.

Шундай қилиб, сут беzi ультратовуш текшируви ўсма хусусиятларини ва бошқа патологияларни аниқлашнинг муҳим диагностик воситаси бўлиб, сут беzi саратони билан оғриган беморларда аниқроқ ташхис қўйиш ва даволашни режалаштиришга ёрдам берди.

§ 2.3. Маммография усули

Маммография - бу сут беzi тўқималаридаги ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш учун ишлатиладиган сут безининг рентгенологик текширувидир. Ушбу усул ўсмалар, кисталар ва бошқа патологияларни, ҳатто уларнинг клиник кўринишлари намоён бўлмаган дастлабки босқичларда ҳам аниқлаш имконини беради. Ушбу бўлимда тадқиқот доирасида қўлланиладиган маммография усулини ўтказиш тавсифланган.

Жараён олдидан беморларга тадқиқотнинг мақсади, унинг жараёни ва маммография билан боғлиқ эҳтимолий ҳиссиётлар ҳақида маълумот берилди.

Текширув куни дезодорантлар, кукунлар ва лосьонлардан фойдаланмаслик тавсия этилди, чунки улар тасвир сифатига таъсир қилиши мумкин.

Маммография юқори аниқликдаги рентген детекторлари билан жиҳозланган рақамли маммография ёрдамида амалга оширилди. Ушбу қурилмалар сут бези тўқималарининг аниқ тасвирларини тақдим этишга қодир бўлиб, бу ташхис қўйиш жараёнини яхшилайдди.

Тадқиқот тик турган ёки ўтирган ҳолатда ўтказилади. Бемор маммография олдига ўтқизилди, сут безларидан бири махсус платформага жойлаштирилди.

Энг яхши сифатдаги тасвирни олиш учун сут безлари сиқилади. Ушбу жараён бироз ноқулайлик туғдириши мумкин, аммо визуализацияни яхшилаш ва рентген нурлари таъсирини камайтириш учун керак бўлади.

Расмлар иккита асосий проекцияда олинди:

-Тўғридан-тўғри (краниокаудал, CC): рентген нурлари сут безлари орқали юқоридан пастгача йўналтирилади.

-Медиолатерал (mediolateral oblique, MLO): рентген нурлари бурчакка йўналтирилади, бу тўқималарни, шу жумладан, қўлтиқ ости соҳасини яхшироқ кўриш имконини беради.

Ҳар бир тасвир сурагга олингандан сўнг, сифатни баҳолаш учун тасвирлар экранда намоён бўлади. Агар тасвир сифати талабларга жавоб бермаса, сурагга қайта олиш мумкин.

Барча керакли тасвирлар олингандан сўнг, тасвирлар кейинги таҳлил қилиш учун рақамли кўринишда сақланади. Тасвирларнинг сифатини яхшилаш ва патологияларни аниқлаш учун махсус дастурлардан фойдаланилди.

Маммограммада шубҳали ўзгаришлар аниқланса, ультратовуш ёки биопсия каби қўшимча диагностика муолажалари тавсия этилиши мумкин. Ушбу усуллар ташхисни тасдиқлаш ва ўсмаларнинг табиатини аниқлаш учун ишлатилади.

Усулнинг юқори аниқлилигига қарамай, маммографиянинг ўз чекловлари мавжуд. Мисол учун, зичлиги юқори сут безлари ўсма визуализациясини

кийинлаштириши мумкин, баъзида эса сохта ижобий натижаларга олиб келади. Шунинг учун сут безларининг ҳолатини тўлиқроқ баҳолаш учун маммография ультратовуш текшируви каби бошқа тасвирий усуллар билан тўлдирилиши мумкин. Маммография текшируви орқали 16 та беморда микрокальцификациялар борлиги аниқланди ва 85 нафар беморда бу ҳолат аниқланмади.

Шундай қилиб, маммография сут бези саратони скрининги ва диагностикасининг муҳим усули бўлиб, касалликларни эрта аниқлаш ва кейинги даволашни оптималлаштириш имконини беради.

§ 2.4. Босқичлаш

Сут бези саратонини босқичлаш ташхис қўйиш жараёнининг асосий қисми бўлиб, касаллик тарқалишини аниқлаш ва энг тўғри даволаш усуларини танлаш имконини беради. Босқичлашда Америка Саратонга қарши жамиятининг (AJCC 2018 йил 8-нашри) стратификацияси қўлланилди.

2.4.1-жадвал

Тадқиқот иштирокчилари орасида Т ва N мезони таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Абс.	%	95% ДИ
Т мезони	T 1	6	5,9	2,2 – 12,5
	T 2	62	61,4	51,2 – 70,9
	T 3	11	10,9	5,6 – 18,7
	T 4	22	21,8	14,2 – 31,1
N мезони	N 0	19	18,8	11,7 – 27,8
	N 1	75	74,3	64,6 – 82,4
	N 2	6	5,9	2,2 – 12,5
	N 3	1	1,0	0,0 – 5,4

Жадвалда TNM таснифига кўра, Т ва N мезонлари бўйича сут бези саратони таснифининг қисқача мазмуни келтирилган. 6 та беморда (5,9%) ўсма 2 см ўлчамда бўлиб, 95% ишончлилиқ интервали (95% CI) 2,2% дан 12,5% гача бўлган, бу намунадаги бундай ўсмаларни аниқлаш даражаси пастлигини кўрсатади. Энг кенг тарқалган тоифадаги 62 бемор (61,4%) T2 ҳолатида таснифланган, бу ерда ўсма 2 см дан катта, лекин 5 см дан кам, 95% CI 51,2%

дан 70,9% гача. Бу шуни кўрсатадики, эрта аниқланган сут беzi саратони ҳолатларининг аксарияти ушбу тоифага киради. 11 беморда (10,9%) ўсмалар > 5 см, 95% CI 5,6% дан 18,7% гача. Бу касалликнинг янада агрессив намоён бўлишини кўрсатади. 22 беморда (21,8%) кўкрак қафаси деворига ёки терига ўсма инвазия қилган бўлиб, 95% CI 14,2% дан 31,1% гача бўлган. N мезони метастазларнинг мавжудлигига қараб маҳаллий лимфа тугунларининг ҳолатини кўрсатади. 19 беморда (18,8%) маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар йўқ, 95% CI 11,7% дан 27,8% гача. Бу ҳозирги вақтда саратон тарқалишининг нисбатан паст даражасини кўрсатади. 75 бемор (74,3%) 1-3 маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар бўлиб, 95% CI 64,6% дан 82,4% гача. Ушбу тоифа намунанинг асосий қисмини ташкил этди ва шу билан ушбу гуруҳдаги лимфа тугунларининг ҳолатини баҳолашнинг юқори долзарблигини кўрсатди. 6 беморда (5,9%) 4-9 та маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар мавжуд бўлиб, 95% CI 2,2% дан 12,5% гача, бу ушбу намунада нисбатан кам учрайдиган ҳолатдир. 1 беморда (1,0%) 10 ёки ундан ортиқ маҳаллий лимфа тугунларида метастазлар мавжуд бўлиб, 95% CI 0,0% дан 5,4% гача. Бу ушбу тоифага кирадиган касалликнинг жуда юқори даражадаги инвазивлиги ва агрессивлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, жадвалда сут беzi саратони билан оғриган беморларнинг T ва N мезонлари бўйича тақсимланиши кўрсатилган бўлиб, бу касалликнинг босқичини баҳолашга ва шунга мос равишда адекват терапияни танлашга ёрдам беради. Энг кенг тарқалган тоифалар T2 ва N1 бўлиб, бу лимфа метастазлари билан ўртача инвазив саратон ҳолатларининг сезиларли кўрсаткичини намоён қилади.

§ 2.5. Гистологик ва иммуногистокимёвий текширув

Гистологик ва иммуногистокимёвий тадқиқотлар сут беzi саратонига ташхис қўйишнинг муҳим усуллари бўлиб, нафақат ташхисни тасдиқлаш, балки ўсманинг биологик хусусиятларини ҳам баҳолаш имконини беради. Ушбу

бўлимда юқоридаги тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилган усуллар келтирилган.

§ 2.5.1 Гистологик текширув

Гистологик текширув биопсия ёки жарроҳлик натижасида олинган тўқималар намуналарида амалга оширилади. Бу усул ўсма ва унинг атрофидаги тўқималарнинг тузилишини ҳужайра даражасида батафсил ўрганиш имконини беради.

Жарроҳлик ёки трепан биопсияси ёрдамида сут безидан ўсма тўқимаси олиб ташланади. Ҳужайра парчаланишини аниқлаш ва олдини олиш учун намуналар формальдегидда сақланади. Кейинчалик, намуналар 24-48 соат давомида 10% ли формальдегид эритмасига жойлаштирилади. Фиксациядан сўнг тўқималардан намликни олиб ташлаш учун улар кетма-кет спиртли эритмалар (70%, 80%, 90%, 100%) орқали ўтказилади. Кейин тўқималар парафинга жойлаштирилади, улар намунадаги ҳужайраларга кириб боради. Тайёрланган парафин блоклари ингичка бўлақларга (тахминан 5 мкм) кесилиб, кейин шиша слайдларга ўрнатилади.

Гистологик текширув учун стандарт гематоксилин-эозин (ГЭ) бўёғи қўлланилади, бу умумий тўқималарнинг тузилиши ва ҳужайра таркибини визуал тарзда кўриш имконини беради.

2.5.1.1-жадвал

Ўсманинг гистологик текширув натижалари

Кўрсаткичлар	Категориялар	Абс.	%	95% ДИ
Гистологик тури:	инвазив сут йўли саратони	26	25,7	17,6 – 35,4
	крибриформ саратон	23	22,8	15,0 – 32,2
	медуляр саратон	9	8,9	4,2 – 16,2
	метапластик саратон	9	8,9	4,2 – 16,2
	папиляр саратон	1	1,0	0,0 – 5,4
	шиллик саратони	23	22,8	15,0 – 32,2
	тубуляр саратон	10	9,9	4,9 – 17,5

Олинган кесмалар ёруғлик микроскопи ёрдамида текширилади. Гистопатолог ўсма турини, малигнизация даражасини, инвазив белгилар мавжудлигини ва бошқа морфологик хусусиятларни баҳолаб, морфологик таҳлил қилади.

§ 2.5.2. Иммуногистокимёвий текширув

Иммуногистокимё (ИГК) - молекуляр биология усуллари ва антитана реакциялари ёрдамида тўқима намуналарида ўзига хос антигенларни аниқлайдиган усул ҳисобланади. ИГК саратоннинг гистологик субтипларини аниқлаш, шунингдек, рецепторлар ва бошқа биомаркёрлар экспрессиясини баҳолаш учун қўлланилади.

Ўсма тўқима рецептор экспрессияси аниқлаш мақсадида иммуногистокимёвий текшириш ўтказилди. Мазкур усулга мос ҳолда иммуногистогимёвий тадқиқотлар МЧЖ Mediofarm “PREMIUM DIAGNOSTICS” ташхислаш клиникаси базасида олиб борилди. Архив материалларининг иммуногистогимёвий тадқиқотлари Тошкент шаҳар Учтепа тумани Уйғур кўчаси 618-А уйида жойлашган МЧЖ “Premium Diagnostics” лаборатория шароитларида олиб борилди.

Олдиндан гистология учун тайёрланган тўқима намуналарининг кесмалари ИГК учун ишлатилади. ИГК учун энг кўп қўлланиладиган усуллар формалин орқали мустаҳкамлаш ва сўнгра парафинлаш ҳисобланади.

2.5.2.1-жадвал

Ўсма жараёнининг тўқима тузилишини ИГК текширув натижалари

Кўрсаткичлар	Категориялар	Абс.	%	95% ДИ
ИГК субтипи	her2neu	30	29,7	21,0 – 39,6
	люминал b тип	20	19,8	12,5 – 28,9
	люминал a тип	19	18,8	11,7 – 27,8
	укмсбс	32	31,7	22,8 – 41,7
ER рецептори	манфий ҳолат	62	61,4	51,2 – 70,9
	мусбат ҳолат	39	38,6	29,1 – 48,8
PR рецептори	манфий ҳолат	62	61,4	51,2 – 70,9
	мусбат ҳолат	39	38,6	29,1 – 48,8
HER2neu ҳолати	манфий ҳолат	71	70,3	60,4 – 79,0
	мусбат ҳолат	30	29,7	21,0 – 39,6

Пролиферация даражаси	пролиферация даражаси юқори	23	22,8	15,0 – 32,2
	пролиферация даражаси паст	23	22,8	15,0 – 32,2
	пролиферация даражаси ўртача	55	54,5	44,2 – 64,4

Ҳужайра мембраналарининг ўтказувчанлигини ошириш учун кесмалар трипсин ёки бошқа протеолитик ферментлар билан ишлов берилади, шунингдек, антиген эпитопларини очишга имкон берувчи кислотали эритмалар ёрдамида иситиш ёки қайта ишлов бериш амалга оширилади. Қизиқтираётган антигенларга мос келувчи махсус бирламчи антитаналар (масалан, эстроген рецепторлари (ER), прогестерон рецепторлари (PR), HER2neu ва Ki-67) намуна кесмаларига қўлланилади.

Инкубация жараёни ҳар бир антитана учун тавсия этилган оптимал ҳарорат ва вақтларда содир бўлади. Ортиқча бирламчи антитаналар бўлган кесмалар ювилгандан сўнг, намуналарга фермент ёки фторохром билан боғланган иккиламчи антитаналар қўлланилади. Бирламчи антитаналарнинг боғланганлигини аниқлаш учун хромоген аниқлаш усули қўлланилади, натижада микроскоп остида кўриш мумкин бўлган қисмларда рангли доғлар пайдо бўлади. Бўялган қисмлар ёруғлик микроскопи остида текширилади. Экспрессия даражаси стандарт мезонлар, жумладан, мусбат ҳужайралар фоизи ва бўйлиш интенсивлиги ёрдамида баҳоланади.

§ 2.6 Даволаш усуллари

§ 2.6.1. Жарроҳлик йўли билан даволаш

Жарроҳлик аралашуви сут беzi саратонини даволашнинг асосий усулларида биридир. Касалликнинг босқичига ва ўсманинг хусусиятларига қараб, қуйидаги операция турлари қўлланилади:

2.6.1.1-жадвал

Беморлардаги килинган жарроҳлик турлари статистикаси

Кўрсаткичлар	Категориялар	Abs	%	95% CI
--------------	--------------	-----	---	--------

Хирургик аралашув тури	радикал мастэктомия	61	60,4	50,2 – 70,0
	радикал резекция	40	39,6	30,0 – 49,8

§ 2.6.2. Нур терапияси

Нур терапияси қолиб кетган саратон хужайраларини ўлдириш ва қайталаниш хавфини камайтириш мақсадида операциядан кейин қўшимча сифатида қўлланилди. Жарроҳлик жойида ҳам, сут безининг бошқа қисмларида ҳам қайталаниш хавфини камайтириш учун операциядан кейин адювант нур терапияси тавсия этилади. Кўпинча радикал резекциядан кейин қўлланилади.

§ 2.6.3. Кимётерапия

Тадқиқотда қуйидаги кимётерапия турлари қўлланилди:

Неоадъювант кимётерапия операциядан олдин ўсма ҳажмини камайтириш учун, сут безини сақлаб қолувчи операция ўтказиш имкониятини ошириш учун қўлланилди.

Қайталаниш хавфини камайтириш учун ўсма жарроҳлик йўли билан олиб ташланганидан кейин адювант кимётерапия ўтказилди. Кимётерапия схемасини танлаш ўсманинг гистологик хусусиятларига боғлиқ (масалан, ER/PR, HER2neu ҳолати).

Тадқиқотда таксанлар (таксанлардан олинган полимер препаратлар) ёки платина препаратларига асосланган схемалар билан биргаликда АС (адриамицин ва циклофосфамид) каби стандарт кимётерапия схемаларидан фойдаланилди.

§ 2.6.4. Гормонал терапия

Гормонал терапия сут беи саратонининг гормонга боғлиқ субтиплари (ER+ ва PR+) мавжуд беморларда қўлланилади. Ҳайз ҳолатига қараб ароматаза ингибиторлари ёки тамоксифен ишлатилган.

§ 2.6.5. Даволашдан кейинги мониторинг

Сут беи саратонини даволашдан кейин беморларнинг ҳолатини кузатиш реабилитация ва касаллик қайталанишини олдини олиш жараёнидаги муҳим қадамдир. У мунтазам тиббий кўриклар, диагностик таҳлиллар ва ҳаёт сифатини баҳолашни ўз ичига олади. Ушбу бўлимда жарроҳлик муолажасидан сўнг, шунингдек, адювант терапия пайтида беморларнинг аҳволини кузатишнинг асосий усуллари ва ёндашувлари батафсил тавсифланади.

Асосий даволанишни тугатгандан сўнг, беморлар мунтазам равишда мутахассислар томонидан назорат текширувидан ўтадилар. Ушбу ташрифларнинг частотаси касалликнинг босқичига ва даволаш усулига қараб фарқ қилиши мумкин:

Даволанишдан кейинги биринчи йили: эҳтимолий рецидивлар мониторинги ва саломатлик ҳолатини баҳолаш учун ҳар 3-6 ойда текширувлар ўтказилади.

Иккинчи ва учинчи йиллар: агар асоратлар ёки қайталаниш белгилари бўлмаса, текширувлар частотаси ҳар 6-12 ойда бир мартага камайтирилиши мумкин.

Уч йилдан сўнг: беморларни йилига бир марта кузатиш давом эттирилади, аммо симптомлар ёки хавф омиллари мавжуд бўлса, частотани ошириш мумкин.

Жисмоний текширувлардан ташқари, ҳолатни кузатиш учун бир қатор диагностик тестлар ҳам қўлланилади:

беморларга сут безининг қолган тўқималарида юзага келиши мумкин бўлган рецидивлар ёки янги ўсмаларни эрта аниқлаш учун ҳар йили маммография текширувидан ўтиш тавсия қилинади.

УТТ кўрсатмага асосан ёки маммограммада ўзгаришлар аниқланганда ўтказилади.

КТ ва МРТ текшируви клиник жиҳатдан шубҳа қилинган ёки симптомлар юзага келганда, узоқлашган метастазларни аниқлаш учун қўлланилади.

Лаборатор текширувлар: мунтазам қон таҳлиллари, жумладан, умумий қон таҳлили, биокимёвий таҳлил ва ўсма маркёрлари (агар керак бўлса).

Сут беи саратонини даволашдан сўнг беморлар ҳолатини кузатиш парваришлаш бўйича комплекс ёндашувнинг муҳим қисми ҳисобланади. Мунтазам текширувлар ва диагностик тестлар тизими касаллик қайталанишини ўз вақтида аниқлаш, даволаш самарадорлигини баҳолаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини оптимал даражада сақлаш имконини беради. Самарали мониторинг дастури нафақат рецидивни аниқлашга ёрдам беради, балки даволаниш тугагандан кейинги психологик ва ижтимоий ёрдам даражасини ҳам оширади.

§ 2.7. Статистик тадқиқот усуллари

Тадқиқотимизда тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш учун фойдаланилган статистик усуллар сут беи саратонининг турли клиник ва гистологик хусусиятларини баҳолашга қаратилган. Статистик усулларни танлаш маълумотнинг турлари, уларнинг тақсимланиши ва таҳлил мақсадига асосланади.

Йиғилган маълумотларни тартибга солиш ва умумлаштириш учун тавсифловчи статистика ишлатилган.

Маълумотларнинг марказий тенденцияси ва ўзгаришини тавсифлаш учун миқдорий ўзгарувчилар (масалан, беморнинг ёши, тана вазн индекси) учун ўртача ва стандарт оғиш қўлланилган.

Сифатий ўзгарувчиларни (масалан, жарроҳлик турлари, метастазларнинг мавжудлиги) таҳлил қилиш учун частоталар ва фоизлар

қўлланилди, бу беморлар ўртасида хусусиятларнинг тақсимланишини визуал тарзда акс эттирувчи жадваллар ва графикларни яратишга имкон беради.

Натижаларнинг ишончлилигини баҳолаш ва ҳақиқий қийматнинг 95% га тушиши мумкин бўлган диапазонни аниқлаш учун 95% ишончлилик интервали (95% CI) фоизли ҳисоб-китоблар учун ҳисоблаб чиқилган.

Маълумот гуруҳлари ўртасидаги фарқни баҳолаш учун қуйидаги статистик тестлардан фойдаланилган:

χ^2 тести метастазларнинг мавжудлиги ва жарроҳлик тури каби сифатий ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш учун ишлатилган. Ушбу тест тоифалар бўйича кузатилган частоталарни тақсимлашда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар мавжудлигини текширади.

Когерент бўлмаган Краскел-Уоллис тести бир нечта мустақил гуруҳлар ўртасидаги медианаларни солиштириш учун ишлатилган (масалан, СБС гистологик турига қараб ёшни ёки туғруқлар сонини баҳолаш). Ушбу усул нормал тақсимланмаган маълумотларни таҳлил қилиш учун мос келди.

Ёш ва тана вазн индекси каби микдорий ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатни баҳолаш учун корреляция таҳлили ўтказилди. Маълумотлар турига қараб Пирсон ва Спирмен корреляция коэффициентлари ишлатилган.

Турли мустақил омилларнинг (масалан, ёш, ТВИ) боғлиқ ўзгарувчиларга (масалан, сут беги саратони қайталаниш хавфи) таъсирини баҳолаш учун кўп ўлчовли регрессия таҳлили ишлатилган. Бу усул бизга муҳим башорат қилувчиларни ва уларнинг касаллик натижаларига таъсирини аниқлаш имконини беради.

Барча статистик тестлар $p=0,05$ га ўрнатилган муҳимлик даражаси билан ўтказилди. Бу шуни англатадики, фарқ ёки ассоциация тасодифан пайдо бўлиш эҳтимоли 5% дан кам бўлса, статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади.

Статистик таҳлилни амалга ошириш учун SPSS Statistics 26.0 версия дастуридан фойдаланилди. Ушбу дастурий таъминот аналитик усулларнинг

тўлиқ спектрини бажаришга имкон берди, шунингдек, график ва жадваллар орқали маълумотларни визуализация қилиш имкониятини берди.

Яшовчанликни тахмин қилиш учун Каплан-Майер усули яшовчанлик эгри чизигини ҳисоблаш ва турли гуруҳлар ўртасидаги яшовчанлик фарқларни кўриш учун ишлатилган. Ушбу усул цензура қилинган маълумотларни ҳисобга олади ва яшовчанликнинг тахминий тақсимотини таъминлайди.

Шундай қилиб, турли статистик усуллардан фойдаланиш тадқиқот давомида тўпланган маълумотларни чуқур таҳлил қилиш имконини берди ва сут беги саратони хусусиятларини янада тушуниш учун объектив натижаларни берди.

III БОБ. СБС КАМ УЧРАЙДИГАН ГИСТОЛОГИК ТУРЛАРИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Сут беи саратонининг гистологик турига қараб ёш таҳлили ўтказилди. Таҳлиллар натижасида сут беи саратонининг турли гистологик турлари билан оғриган беморларнинг ўртача (М) ёши 53 ёшдан 65 ёшгача бўлган. Ёнг юқори ўртача ёш папиляр саратони билан оғриган беморларда (65 ёш) кузатилган, аммо шуни таъкидлаш керакки, ушбу турдаги намуна фақат битта ҳолатдан иборат. Ёнг паст ўртача ёш метапластик саратон билан оғриган беморларда (53 ёш) кузатилди.

3.1-жадвал


Сут беи саратонининг гистологик турига қараб ёш таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ёш			χ^2	df	P
		М	$Q_1 - Q_3$	n			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	55,50	48,75 – 63,00	26	5,073	–	0,535
	крибриформ саратон	62,00	54,50 – 68,00	23			
	медуляр саратон	56,00	53,00 – 60,00	9			
	метапластик саратон	53,00	44,00 – 57,00	9			
	папиляр саратон	65,00	65,00 – 65,00	1			
	шиллик саратони	59,00	46,50 – 65,50	23			
	тубуляр саратон	53,50	48,25 – 61,50	10			

Таҳлил қилиш учун биз параметрли бўлмаган статистик усул - Краскал-Уоллис тестидан фойдаландик, бу бизга бир нечта мустақил намуналар орасидаги фарқларни баҳолаш имконини беради.

Гистологик турлар орасида ёш кўрсаткичларидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни кўрсатмади ($p=0,535$). Ушбу p киймати тадқиқот асосида беморнинг ёши ушбу намунадаги гистологик саратон турларининг тарқалишига сезиларли таъсир кўрсатмаслигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқотга кўра бемор ёшини СБСнинг турли гистологик турлари орасида сезиларли даражада фарқ қилувчи омил сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас деган хулосага келиш мумкин.




3.1-расм. Гистологик турларга қараб ёш таҳлили (1-инвазив сут йўли саратони, 2-крибриформ саратон, 3-медуляр саратон, 4-метапластик саратон, 5-папилляр саратон, 6-шиллик саратон, 7-тубуляр саратон)

Сут беи саратонининг гистологик турига қараб ТВИ таҳлили ўтказилди.

Турли хил гистологик турлар бўйича тана вазн индекси (ТВИ) категориялари ўртасидаги фарқларни баҳолаш учун Пирсон χ^2 тести ёрдамида СБСнинг гистологик турлари бўйича ТВИ таҳлили ҳам ўтказилди.

Беморларнинг ТВИ категориялари бўйича тақсимланиши (<30 кг/м² ва >30 кг/м²) СБСнинг турли гистологик турлари ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатмади, бунда $p=0,842$ билан тасдиқланган. Ушбу қиймат белгиланган аҳамият даражасидан юқори, яъни ўрганилаётган намунадаги СБСнинг гистологик тури ва ТВИ категорияси ўртасидаги боғлиқлик статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмаслигини билдиради.



3.2-расм. Гистологик турлар бўйича ТВИ таҳлили

СБСнинг ҳар хил турлари учун ТВИ <30 кг/м² бўлган беморлар улуши 66,7% дан (метапластик саратон) 100% гача (папиляр саратон) фарқланди. ТВИ >30 кг/м² бўлган беморларнинг энг катта қисми метапластик (33,3%) ва инвазив сут йўли (30,8%) саратонида кузатилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ушбу беморлар гуруҳида ТВИ СБСнинг гистологик турлари учун самарали башоратчи эмас. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, ТВИ таҳлили беморларнинг умумий саломатлиги ва бошқа касалликларни ривожланиш хавфи борасида муҳим бўлиши мумкин. Тадқиқотнинг ушбу қисмида ҳайз кўриш функцияси ҳолати ва сут бези саратонининг турли гистологик турлари ўртасидаги муносабат таҳлил қилинди. Таҳлил давомида турли хилдаги СБС билан оғриган беморлар ўртасида ҳайз кўриш функцияси (менопауза ёки сақланган ҳайз функцияси)даги мумкин бўлган фарқларни аниқлаш учун Пирсон χ^2 тестидан фойдаланилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, барча тоифадаги беморларнинг аксарияти менопауза ҳолатида бўлган. Менопауза давридаги беморларнинг улуши гистологик турларга қараб жуда катта фарқ қилди: тубуляр саратон учун 60,0% дан папиляр саратон учун 100,0% гача (иккинчи ҳолатда намуна

фақат битта бемордан олинган бўлса ҳам). Ҳайз кўриш функцияси сақланган беморлар ҳар бир гистологик турлар тоифасида камроқ сонни ташкил қилди.

СБСнинг гистологик турлари бўйича ҳайз кўриш функциясини таҳлил қилдик.

3.2-жадвал

СБСнинг гистологик турлари бўйича ҳайз кўриш функцияси таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ҳайз кўриш функцияси		χ^2	Df	p
		менопауза	сақланган ҳайз кўриш функцияси			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	20 (76,9)	6 (23,1)	3,816	6	0,702
	крибриформ саратон	18 (78,3)	5 (21,7)			
	медуляр саратон	8 (88,9)	1 (11,1)			
	метапластик саратон	6 (66,7)	3 (33,3)			
	папиляр саратон	1 (100,0)	0 (0,0)			
	шиллик саратони	15 (65,2)	8 (34,8)			
	тубуляр саратон	6 (60,0)	4 (40,0)			

Сут беи саратонининг гистологик турлари бўйича ўсма жойлашувини таҳлил қилдик.

Ушбу тадқиқотда сут безларида жойлашишига қараб турли гистологик табиатли ўсмаларнинг тарқалиши ўрганилди. Ўсманинг гистологик тури ва унинг жойлашуви ўртасида боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш мақсадида Пирсон χ^2 тести фарқларни баҳолаш учун қўлланилди.

Умумий тақсимот шуни кўрсатдики, ҳар хил гистологик турдаги ўсмалар сут безининг турли хил зоналарида, масалан, юқори ташқи, юқори

ички, пастки ташқи квадрантларида, марказий соҳада ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта квадрантларда топилган.

3.3-жадвал

Сут беи саратонининг гистологик турлари бўйича ўсманнинг жойлашуви

таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ўсманнинг жойлашуви					χ^2	df	p
		2 тадан ортиқ квад	юкори-ташқи	пастк-ички	пастки-ташқи	мар-казий			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	1 (3,8)	2 (7,7)	10 (38,5)	9 (34,6)	4 (15,4)	18,09	24	0,799
	крибриформ саратон	0 (0,0)	6 (26,1)	7 (30,4)	10 (43,5)	0 (0,0)			
	медуляр саратон	0 (0,0)	1 (11,1)	5 (55,6)	1 (11,1)	2 (22,2)			
	метапластик саратон	1 (11,1)	1 (11,1)	2 (22,2)	3 (33,3)	2 (22,2)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	0 (0,0)	0 (0,0)	1 (100,0)	0 (0,0)			
	шиллик саратони	1 (4,3)	2 (8,7)	7 (30,4)	9 (39,1)	4 (17,4)			
	тубуляр саратон	0 (0,0)	2 (20,0)	4 (40,0)	3 (30,0)	1 (10,0)			

Масалан, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморларда ўсмалар кўпинча юкори-ички (38,5%) ва пастки-ташқи (34,6%) квадрантларда аниқланган. Шу билан бирга, крибриформ саратон билан касалланган беморларда пастки ташқи квадрантда (43,5%) ўсмалар кўпроқ топилган.

СБСнинг гистологик турлари бўйича ўсма чегараларининг таҳлилини ўтказдик.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида СБСнинг турли хил гистологик турлари мавжуд беморларда ўсма чегараларининг таҳлили ўтказилди. Пирсон χ^2 тести ўсма тури ва унинг чегаралари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун қўлланилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, СБС турлари бўйича ўсма чегараларининг тақсимланиши қуйидаги хусусиятларга эга: инвазив сут йўли саратони мавжуд беморлар орасида ўсмаларнинг 61,5% ноаниқ чегараларга


эга бўлса, 38,5% аниқ чегараларга эга. Шунга ўхшаш маълумотлар кривриформ ва шиллиқ саратонлари учун олинган бўлиб, бу ерда ҳам ўсмаларнинг 60,9% ноаниқ чегараларга эга эди.

3.4-жадвал

СБСнинг гистологик турлари бўйича ўсма чегараларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ўсма чегаралари		χ^2	Df	p
		ноаниқ	аниқ			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	16 (61,5)	10 (38,5)	1,768	6	0,940
	кривриформ саратон	14 (60,9)	9 (39,1)			
	медуляр саратон	5 (55,6)	4 (44,4)			
	метапластик саратон	7 (77,8)	2 (22,2)			
	папиляр саратон	1 (100,0)	0 (0,0)			
	шиллик саратони	14 (60,9)	9 (39,1)			
	тубуляр саратон	6 (60,0)	4 (40,0)			

СБСнинг гистологик турлари бўйича ўсма локализациясининг таҳлили ўтказилди.



3.3-расм. Гистологик турлар бўйича ўсма локализациясининг таҳлили

Ушбу тадқиқот сут беzi саратонининг турли гистологик турлари мавжуд беморларда ўсмаларнинг локализациясини баҳолади. Таҳлилнинг асосий мақсади гистологик турларига кўра жойлашган жойи бўйича ўсмаларнинг тақсимланишидаги мумкин бўлган фарқларни аниқлаш эди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, инвазив сут йўли саратони гуруҳидаги ўсмаларнинг аксарияти ўнг сут беziда (46,2%) ва чап сут беziда (42,3%) жойлашган бўлса, икки томонлама зарарланиш частотаси атиги 11,5% ни ташкил этди. Крибриформ саратон гуруҳида ўсмаларнинг 39,1% чап сут беziда ва 60,9% ўнг сут беziда эди. Медуляр ва метапластик саратонлар 66,7% ҳолатда чап сут беziда ва 33,3% ўнг сут беziда кузатилган. Фақат битта ҳолатда намоён бўлган папилляр саратон чап сут беziда жойлашганлиги аниқланган. Шунингдек, шиллиқ саратони учун ўнг сут беziдаги ўсмалар (52,2%) чап томон (47,8%) билан солиштирганда бироз устунлик қилди.

Пирсон χ^2 тестидан фойдаланган ҳолда таҳлил 12 эркинлик даражаси (df) билан $\chi^2=13,215$ ни кўрсатди, натижада p-қиймати 0,354 га тенг бўлди. Ушбу $p=0,05$ чегара қийматидан сезиларли даражада юқори бўлиб, бу СБСнинг гистологик турлари ва ўсма локализацияси ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятга эга фарқлар йўқлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ушбу таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ўсма локализацияси ушбу намунада сут беzi саратонининг турли гистологик турлари бўйича тақсимлашда муҳим омил ҳисобланмайди. Бу эса СБС мавжуд беморлар прогнози ва уларни клиник назорат қилишда ўсма биологияси, генетик жиҳатлари ёки атроф-муҳит таъсири каби бошқа омиллар муҳимроқ бўлиши мумкинлигини англатади.

СБСнинг гистологик турига қараб ўсиш шаклини таҳлил қилиш амалга оширилди.

Ушбу тадқиқотда сут беzi саратонининг турли гистологик турлари мавжуд беморларда кўп ўчоқли ва бир ўчоқли шакллар тақсимланиш тенденциясини аниқлаш учун ўсмаларнинг ўсиш шакли таҳлил қилинди.

**СБСнинг турли гистологик турлари орасида ўсманинг ўсиш шакли
таҳлили**

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ўсиш шакли		χ^2	df	p
		кўп ўчоқли	бир ўчоқли			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	8 (30,8)	18 (69,2)	6,466	6	0,373
	крибриформ саратон	6 (26,1)	17 (73,9)			
	медуляр саратон	2 (22,2)	7 (77,8)			
	метапластик саратон	6 (66,7)	3 (33,3)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	1 (100,0)			
	шиллик саратони	9 (39,1)	14 (60,9)			
	тубуляр саратон	4 (40,0)	6 (60,0)			

Натижалар саратон турлари ўртасида ўсиш шакллари фарқланишини кўрсатди. Инвазив сут йўли саратони билан касалланган беморлар орасида ўсмаларнинг 30,8% кўп ўчоқли, 69,2% эса бир ўчоқли эканлиги кузатилди. Бу шуни англатадики, ушбу гуруҳда бир ўчоқли шакл устунлик қилади. Крибриформ саратон гуруҳида ўсмаларнинг 26,1% кўп ўчоқли шаклга эга бўлса, бир ўчоқли 73,9%. Худди шундай, медуляр саратонда кўп ўчоқли ўсмалар 22,2% ни ташкил қилади, бу ҳам бир ўчоқли шаклларнинг (77,8%) устунлигини кўрсатади.

Метапластик саратон кўп ўчоқли шаклнинг энг юқори частотасини кўрсатди - 66,7%, ўсмаларнинг 33,3% эса бир ўчоқли шаклга эга. Бу метапластик саратоннинг кўп ўчоқли ривожланишга мойиллигини кўрсатиши мумкин. Папиляр саратон мавжуд беморда ягона ҳолат бир ўчоқли шаклни кўрсатди. Шиллик саратони гуруҳида 39,1% кўп ўчоқли шаклга эга, 60,9% эса бир ўчоқлидир. Тубуляр саратонда ўсмаларнинг 40% кўп ўчоқли, 60% эса бир ўчоқлидир. Умуман олганда, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, сут беи саратонининг кўпгина гистологик турлари асосан бир ўчоқли ўсиш

шаклига эга, аммо метапластик саратон бошқа турлардан кўп ўчоқли ўсмаларнинг устунлиги билан ажралиб туради. Ушбу маълумотлар ўсмаларнинг биологиясини тушуниш, шунингдек, сут беzi саратонининг турли гистологик субтиплари мавжуд беморларда келгуси индивидуал даволаш ва оқибатларни башорат қилиш учун муҳим бўлиши мумкин.


СБСнинг гистологик турига қараб ўсма консистенциясини таҳлил қилдик.

Ушбу тадқиқот юмшоқ, ўрта ва қаттиқ консистенциялар ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида сут беzi саратонининг турли гистологик турлари мавжуд беморларда ўсмаларнинг консистенциясини баҳолайди.

Таҳлил қилиш учун Пирсоннинг χ^2 тести қўлланилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, саратоннинг аксарият турларида ўртача зичликдаги ўсмалар устунлик қилади. Масалан, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморлар орасида ўсмаларнинг 69,2% ўртача зичликда, 30,8% эса юмшоқ консистенцияда бўлган.

Худди шундай натижалар бошқа турдаги ўсмалар учун ҳам олинган: крибриформ саратон учун ўсмаларнинг 65,2% ўртача зичликка эга ва фақат 4,3% қаттиқ консистенцияга эга бўлган. Медулляр ва метапластик саратонларда ўрта зичликдаги ўсмалар юқори частотани намоён қилди (мос равишда 77,8% ва 66,7%), папиляр саратон эса ўрта зичликдаги консистенциянинг ягона ҳолати билан ифодаланди.



3.4-расм. СБСнинг гистологик турига қараб ўсма консистенцияси

таҳлили

Пирсон χ^2 тестидан фойдаланган ҳолда статистик таҳлил қилинганда, χ^2 қиймати 4,623 га тенг, эркинлик даражаси 12 (df) ва p қиймати 0,969 ни кўрсатди. Ушбу қиймат 0,05 стандарт даражасидан сезиларли даражада юқори бўлиб, турли гистологик турлар орасида ўсма консистенциясида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар йўқлигини кўрсатади.

СБСнинг гистологик турлари бўйича анамнездаги сут бези касалликлари таҳлил қилинди.

3.6-жадвал

СБСнинг гистологик турлари бўйича анамнездаги сут бези касалликлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Анамнезда сут бези касалликлари		χ^2	df	p
		мавжуд	мавжуд эмас			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	8 (30,8)	18 (69,2)	5,864	6	0,439
	крибриформ саратон	5 (21,7)	18 (78,3)			
	медуляр саратон	2 (22,2)	7 (77,8)			
	метапластик саратон	5 (55,6)	4 (44,4)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	1 (100,0)			
	шиллик саратони	4 (17,4)	19 (82,6)			
	тубуляр саратон	3 (30,0)	7 (70,0)			

Ушбу тадқиқот сут бези саратонининг турли гистологик турлари мавжуд беморлар анамнезида сут бези касалликлари мавжудлигини таҳлил қилди. Ушбу таҳлилнинг мақсади аввалги сут бези касалликлари ва сут бези саратони тури ўртасидаги мумкин бўлган боғлиқликларни аниқлаш эди. Таҳлил қилиш учун Пирсоннинг χ^2 тести қўлланилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморларнинг 30,8% да сут бези касаллиги мавжуд, 69,2% да эса йўқ. Шунга ўхшаш маълумотлар крибриформ (21,7%) ва медуляр (22,2%) саратонда ҳам кузатилди. Метапластик саратон гуруҳи анамнезида сут бези касаллиги

мавжуд беморларнинг улуши 55,6% ни ташкил этди, бу ўрганилган турлар орасида энг юқори кўрсаткичдир. Шу билан бирга, папиляр саратонда, фақат битта ҳолатда анамнезда касаллик қайд этилган, шиллиқ ва тубуляр саратон учун ушбу нисбатлар мос равишда 17,4% ва 30% ни ташкил этди.

СБСнинг гистологик турига қараб анамнездаги сут беzi операциялари таҳлил қилинди.

3.7-жадвал

СБСнинг гистологик турига қараб анамнездаги сут беzi операцияларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Анамнезда сут беzi операцияси		χ^2	df	p
		мавжуд	мавжуд эмас			
Гистологик тури:	инвазив сут йўли саратони	12 (46,2)	14 (53,8)	7,211	6	0,302
	крибриформ саратон	5 (21,7)	18 (78,3)			
	медуляр саратон	3 (33,3)	6 (66,7)			
	метапластик саратон	5 (55,6)	4 (44,4)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	1 (100,0)			
	шиллик саратони	6 (26,1)	17 (73,9)			
	тубуляр саратон	2 (20,0)	8 (80,0)			

Ушбу тадқиқотда сут беzi саратонининг турли гистологик турлари мавжуд беморлар анамнезида сут беzi операцияси мавжудлиги таҳлил қилинди. Таҳлилнинг мақсади сут беzi саратонининг гистологик турига қараб олдин ўтказилган сут беzi операциялари мавжудлигида эҳтимолий фарқларни аниқлаш эди. Статистик баҳолаш учун Пирсоннинг χ^2 тести қўлланилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморларнинг 46,2% анамнезида сут беzi жарроҳлиги қайд этилган, 53,8% да эса йўқ. Крибриформ саратон гуруҳида жарроҳлик ўтказилган беморлар улуши 21,7% ва медуляр саратонида эса 33,3% ни ташкил этди. Метапластик

саратон мавжуд беморлар анамнезида операциялар кўпроқ (55,6%), аммо шунинг таъкидлаш керакки, ушбу гуруҳдаги намуналар жуда оз. Папиляр саратон фақат битта ҳолат билан ифодаланган бўлиб, унда анамнезда операция қайд этилмаган. Шиллик ва тубуляр саратон учун жарроҳлик билан оғриган беморларнинг нисбати мос равишда 26,1% ва 20,0% ни ташкил этди.

Пирсоннинг χ^2 тести 6 эркинлик даражаси (df) ва p-қиймати 0,302 бўлган $\chi^2=7,211$ ни берди. 0,05 аҳамиятлилик даражасидан сезиларли даражада юқори бўлган p қиймати сут беши саратонининг гистологик турига қараб анамнездаги сут беши жарроҳлиги статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмаслигини кўрсатди.

Шундай қилиб, таҳлил натижалари шунинг тасдиқлайдики, анамнезда аввал сут беши жарроҳлиги мавжудлиги ўрганилаётган беморларда сут беши саратонининг гистологик турларидаги фарқларга ёрдам берадиган муҳим омил эмас. Бу эса жарроҳлик тарихидан ташқари муҳимроқ хавф омиллари ва унга мойил шароитларни излаш кераклигини кўрсатиши мумкин.

СБСнинг гистологик турлари бўйича ўсма ва тери ўртасидаги муносабатни таҳлил қилдик.

Ушбу тадқиқотда сут беши саратонининг турли хил гистологик турлари мавжуд беморларда ўсма ва тери ўртасидаги муносабатлар масаласи таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил гистологик турларга кўра ўсма ва тери ўртасидаги ўзаро муносабатда фарқ мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш учун ўтказилди.

Натижалар шунинг кўрсатдики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморларнинг 30,8% да ўсма ва тери ўртасида ўзаро муносабат бўлган, 69,2 фоизда эса бундай ўзаро таъсир бўлмаган. Крибриформ саратон гуруҳида ўзаро таъсирга эга бўлган ҳолатлар бироз кўпроқ бўлган (43,5%), бу эса саратоннинг ушбу тури ва тери кўринишлари ўртасидаги кучли муносабатни кўрсатиши мумкин. Медуляр саратонда ҳам ҳолат худди шундай беморларнинг 33,3% да ўсма ва тери ўртасида ўзаро таъсир мавжуд ва 66,7% да унинг йўқлиги кузатилди.

СБСнинг гистологик турлари бўйича ўсма ва тери ўртасидаги муносабат

таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ўсма ва тери ўртасидаги муносабат		χ^2	df	P
		мавжуд	мавжуд эмас			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	8 (30,8)	18 (69,2)	5,167	6	0,523
	крибриформ саратон	10 (43,5)	13 (56,5)			
	медуляр саратон	3 (33,3)	6 (66,7)			
	метапластик саратон	6 (66,7)	3 (33,3)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	1 (100,0)			
	шиллик саратони	11 (47,8)	12 (52,2)			
	тубуляр саратон	5 (50,0)	5 (50,0)			


Метапластик саратон тери билан ўзаро таъсирнинг энг юқори фоизини кўрсатди - 66,7%, бу эса ушбу гуруҳда янада аниқ намоён бўлишини кўрсатди. Шу билан бирга, битта ҳолат билан ифодаланган папиляр саратон тери билан ўзаро таъсир қилиш белгиларини кўрсатмади.

Шиллик саратони ва тубуляр саратон мос равишда 47,8% ва 50% ўзаро таъсирни кўрсатадиган даражада тенг тақсимланган.

Ушбу натижалар сут бези саратонининг баъзи гистологик субтиплари, масалан, метапластик саратон терига кўпроқ таъсир қилиши мумкинлигини намоён қилди, папиляр саратон каби бошқа турлар эса терининг ўзаро таъсири билан камроқ боғлиқ бўлиши мумкин. Бу беморлар ҳолатини баҳолаш ва тегишли даволаш усуллари танлашда клиник аҳамиятга эга эканлигини намоён қилиши мумкин.

Умуман олганда, таҳлил натижалари сут бези саратонининг турли гистологик субтиплари контекстида ўсмалар ва тери ўртасидаги ўзаро таъсирнинг табиати ҳақида маълумот беради, бу эса келгуси тадқиқотлар ва бевосита клиникада қўллаш учун фойдали бўлиши мумкин.

СБСнинг гистологик турларига қараб сут безининг сўрғич ажралмалари таҳлили ўтказилди. Гистологик турлар бўйича сўрғич ажралмалари таққосланганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқлаб бўлмади ($p=0,414$) (қўлланган усул: Пирсон χ^2).



3.5-расм. Гистологик турлар бўйича сут беzi сўрғичи ажралмаларининг таҳлили

СБСнинг гистологик турига кўра ўсманинг ультратовуш текшируви хусусиятлари таҳлил қилинди.

Ушбу тадқиқотда сут беzi саратонининг турли гистологик турлари бўлган беморларда ўсманинг ультратовушдаги тузилиши таҳлил қилинди.

Таҳлилнинг мақсади гистологик турни ҳисобга олган ҳолда ўсмаларнинг гомоген ва гетероген тузилиши ўртасидаги фарқларни аниқлаш эди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморлар орасида ўсмаларнинг 23,1% гетероген тузилишга эга, 76,9% эса гомоген эди. Бу шуни кўрсатадики, ушбу турдаги ўсмаларнинг аксарияти гомоген тузилиши билан тавсифланади.

**СБСнинг гистологик турига кўра ўсманинг ультратовуш текшируви
хусусиятлари таҳлили**

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ўсманинг УТТдаги тузилиши		χ^2	df	P
		гетероген	гомоген			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	6 (23,1)	20 (76,9)	3,661	6	0,722
	крибриформ саратон	7 (30,4)	16 (69,6)			
	медуляр саратон	1 (11,1)	8 (88,9)			
	метапластик саратон	2 (22,2)	7 (77,8)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	1 (100,0)			
	шиллик саратони	4 (17,4)	19 (82,6)			
	тубуляр саратон	4 (40,0)	6 (60,0)			

Крибриформ саратон гуруҳида ўсмаларнинг 30,4% гетероген тузилишга эга бўлиб, бу инвазив сут йўли саратони гуруҳига қараганда бир оз юқорироқ, ўсмаларнинг 69,6% гомоген экан. Медуляр саратонда ўсмаларнинг атиги 11,1% гетероген тузилишга эга бўлса, 88,9% гомоген бўлган, бу саратоннинг ушбу тури кўпроқ бир хил хусусиятларни намоён қилишини кўрсатади.

Метапластик саратоннинг 22,2% гетероген ўсмаларни ва 77,8% гомоген ўсмаларни намоён қилди. Папиляр саратон гомоген тузилишга эга бўлган битта ҳолатни кўрсатди. Шиллик саратони гуруҳида ўсмаларнинг 17,4% гетероген тузилишга эга, 82,6% эса гомоген тузилишга эга эди. Тубуляр саратонда ўсмаларнинг 40% гетероген тузилиш билан тавсифланган, 60% эса гомоген эди.

Хулоса қилиб айтганда, натижалар шуни кўрсатадики, сут беzi саратонининг гистологик турларининг аксарияти гомоген тузилишга эга бўлиб, баъзи турлари, масалан, крибриформ ва тубуляр саратон, сезиларли фоизда гетероген тузилишга эга бўлган ўзгаришларни кўрсатади. Ушбу маълумотлар ўсмаларни ва уларнинг хусусиятларини клиник баҳолашда, шунингдек, ўсмаларнинг структуравий хусусиятлари ва уларнинг биологик

табиати ўртасидаги муносабатларни келгусида текширишда ёрдам бериши мумкин. Ўсманинг ультратовушдаги тузилиши диагностика ва даволашни режалаштириш учун қимматли маълумотларни тақдим этиши мумкин.

СБСнинг гистологик турига қараб ўсманинг эхогенлиги таҳлил қилинди

3.10-жадвал

СБСнинг гистологик турига қараб ўсманинг эхогенлиги таҳлили

Кўрсаткичлар	Категориялар	Ўсма эхогенлиги				χ^2	df	P
		сези-ларли	юқори	паст	ўртача			
Гистологик тури	инвазив сут йўли саратони	0 (0,0)	3 (11,5)	13 (50,0)	10 (38,5)	12,827	18	0,802
	крибриформ саратон	1 (4,3)	3 (13,0)	9 (39,1)	10 (43,5)			
	медуляр саратон	0 (0,0)	0 (0,0)	3 (33,3)	6 (66,7)			
	метапластик саратон	0 (0,0)	0 (0,0)	4 (44,4)	5 (55,6)			
	папиляр саратон	0 (0,0)	0 (0,0)	1 (100,0)	0 (0,0)			
	шиллик саратони	0 (0,0)	1 (4,3)	13 (56,5)	9 (39,1)			
	тубуляр саратон	0 (0,0)	0 (0,0)	7 (70,0)	3 (30,0)			

Ушбу тадқиқотда биз сут беши саратонининг турли хил гистологик турлари мавжуд беморларда ўсмаларнинг эхогенлиги таҳлил қилинди. Таҳлилнинг асосий мақсади ўсмаларнинг гистологик хусусиятларига қараб эхогенликдаги фарқларни аниқлаш эди.

Натижалар инвазив сут йўли саратони билан оғриган беморларда сезиларли эхогенлик ҳолатлари йўқлигини кўрсатди. Шу билан бирга, ўсмаларнинг 11,5% юқори, 50% - паст, 38,5% - ўртача эхогенликда эканлиги намоён бўлди. Бу шуни кўрсатадики, ушбу турдаги ўсмаларнинг аксарияти диагностика амалиётида муҳим хусусиятга эга бўлган паст эхогенлик билан тавсифланади.

Крибриформ саратон гуруҳида ўсмаларнинг 4,3% да сезиларли эхогенлик, 13% да юқори, 39,1% да паст ва 43,5% да ўртача эхогенлик мавжуд эди. Бу гуруҳ, шунингдек, ўртача ва паст эхогенлик мавжуд ўсмаларнинг устунлигини кўрсатди.

Медуляр саратонда сезиларли ва юқори эхогенлик ҳолатлари кузатилмади; Ўсмаларнинг 33,3% да паст эхогенлик, 66,7% да ўртача эхогенлик бор эди. Худди шундай натижалар метапластик саратонда ҳам кузатилди: ўсмаларнинг 44,4% да паст эхогенлик, 55,6% да ўртача эхогенлик мавжуд эди.

Папиляр саратон гуруҳида барча ўсмалар паст эхогенликка эга эди, бу ҳам ушбу субтипнинг хусусиятларига таъсир қилади. Шиллиқ саратонида ўсмаларнинг 4,3%и юқори эхогенлик, 56,5% паст ва 39,1% ўртача эхогенликни кўрсатди. Тубуляр саратонда ўсмаларнинг 70% паст эхогенликка эга, 30% эса ўртача эхогенликка эга.

Шундай қилиб, ушбу таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, турли хил гистологик турдаги ўсмаларнинг кўпчилиги сут бези саратонининг ўзига хос хусусияти бўлиши мумкин бўлган паст ёки ўртача эхогенликка эга. Намунадаги барча саратон турларида аниқ эхогенликнинг йўқлиги уларнинг ультратовуш хусусиятларига таъсир қилувчи умумий патогенетик механизмларни кўрсатиши мумкин. Ўсмаларнинг эхогенлигини тушуниш, дифференциал диагностика ва даволашни режалаштиришдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, клиник ташхисга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

СБСнинг гистологик турига кўра орқа сояланиш мавжудлиги таҳлил қилинди

Ушбу тадқиқотда сут бези саратони гистологик турига қараб орқа сояланиш мавжудлиги таҳлил қилинди. Таҳлилнинг мақсади уларнинг гистологик тури билан боғлиқ бўлган ультратовуш текширувида ўсмаларни визуализация қилиш хусусиятларини аниқлаш эди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, инвазив сут йўли саратони мавжуд беморларнинг 38,5% да орқа сояланиш бўлса, 61,5% да эса орқа сояланиш йўқ эди. Бу шуни кўрсатадики, ушбу субтипдаги беморларнинг сезиларли қисмида орқа сояланиш аниқланмаган.

3.11-жадвал

СБСнинг гистологик турига кўра орқа сояланиш мавжудлигининг таҳлили

